

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ**  
**ТЎПЛАМИ**

**45-сон**  
**(857)**  
**2018 йил**  
**12 ноябрь**

*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами беш бўлимдан иборат:*

*биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;*

*иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари эълон қилинади;*

*учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;*

*тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;*

*бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.*

**МУНДАРИЖА**

*Иккинчи бўлим*

872. «Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ҳузурида Тошкент халқаро арбитраж марказини (ТІАС) ташкил этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 ноябрдаги ПҚ-4001-сон қарори
873. «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси фаолиятини такомиллаштириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 6 ноябрдаги ПҚ-4004-сон қарори
874. «Балиқчилик соҳасини янада ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 6 ноябрдаги ПҚ-4005-сон қарори
875. «Жиноят-ижроия қонунчилигини тубдан такомиллаштириш чора-тадбир-

- лари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 ноябрдаги ПҚ–4006-сон қарори
876. «Давлат тиббиёт муассасалари ва соғлиқни сақлашни бошқариш органлари ходимларини моддий рағбатлантиришни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 ноябрдаги ПҚ–4007-сон қарори
877. «Ўзбекистон Республикаси ҳудудда хорижий давлатларнинг малакали мутахассислари томонидан меҳнат фаолиятини амалга ошириши учун қулай шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 ноябрдаги ПҚ–4008-сон қарори

### *Учинчи бўлим*

878. «Вазирлар Маҳкамасининг «Судьяларга, Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси, прокуратура органлари, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти, давлат солиқ хизмати ва давлат божхона хизмати органлари ходимларига имтиёзли шартларда уй-жой сотиб олишга узоқ муддатли ипотека кредитлари бериш тартиби тўғрисидаги низомни ҳамда судьяларга, Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси, прокуратура органлари, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти, давлат солиқ хизмати ва давлат божхона хизмати органлари ходимларига уй-жойларни ижарага олганлик (ижарага турганлик) учун ҳар ойлик пул компенсацияси тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 2012 йил 31 октябрдаги 312-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 5 ноябрдаги 908-сон қарори
879. «Назорат қилувчи органлар мансабдор шахсларини тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текшириш ҳуқуқини бериш юзасидан аттестациядан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 7 ноябрдаги 920-сон қарори

### *Бешинчи бўлим*

880. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2018 йил 6 ноябрдаги 515-мқ-сон «Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат реестридан чиқариш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 6 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3085*)

881. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлигининг 2018 йил 22 октябрдаги 49, 323-сон «Озиқ-овқат маҳсулотларига, уларни ишлаб чиқариш воситаларига ва халқ истеъмоли молларига санитария-эпидемиологик хулоса бериш тартиби тўғрисида йўриқномага ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 8 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1525-2*)
882. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2018 йил 8 ноябрдаги 01-02/12-64-сон «Божхона иши соҳасида қўлланиладиган айрим ҳужжатлар ва ҳисоботлар шаклларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорга ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 8 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2778-3*)
883. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2018 йил 22 октябрдаги 134-сон «Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг Миллий стандартига (5-сон БҲМС) «Асосий воситалар»га ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 8 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1299-4*)
884. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2018 йил 29 октябрдаги 136-сон «Аудиторлик ташкилотлари раҳбарларини аттестациядан ўтказиш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 8 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1709-1*)
885. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2018 йил 8 октябрдаги 130-сон «Бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчиларнинг харажатлар сметаси ва штат жадвалларини тузиш, тасдиқлаш ва рўйхатдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 8 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2634-2*)
886. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Иқтисодиёт вазирлигининг 2018 йил 10 октябрдаги 126, 2018-61, 30-сон «Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб қилувчи корхоналар учун солиқ имтиёзларини қўллаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 8 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2822-2*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2018 йил 3 ноябрдан 9 ноябргача бўлган маълумот

## ИККИНЧИ БЎЛИМ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

## **872** Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси хузурида Тошкент халқаро арбитраж марказини (ТИАС) ташкил этиш тўғрисида\*

Мамлакатимизда юқори даражада қулай инвестиция муҳитини шакллантириш мақсадида иқтисодий либераллаштириш, сармоядорлар, айниқса, хорижий инвесторлар фаолияти учун қулай ҳуқуқий шарт-шароитлар яратиш, шунингдек, халқаро иқтисодий алоқаларни мустаҳкамлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистонда бизнес субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлаш, ишбилармонлик муҳитини яхшилаш ва мамлакатимизнинг инвестициявий жозибadorлигини оширишда низоларни ҳакамлик судларида ҳал қилиш механизмнинг жорий этилгани алоҳида аҳамиятга эга.

Шу билан бирга, тадбиркорлик субъектлари, аввало, хорижий инвесторларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини самарали ҳимоя қилишга, ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш ва Ўзбекистоннинг инвестициявий жозибadorлигини оширишга тўсқинлик қилаётган қатор тизимли муаммолар мавжуд. Хусусан:

биринчидан, Ўзбекистон ҳудудида халқаро арбитражлар фаолиятини тартибга соладиган норматив-ҳуқуқий базанинг мавжуд эмаслиги низоларни ҳал этиш учун хорижий давлатлар ҳудудида жойлашган халқаро арбитражларга мурожаат қилишга мажбур бўлаётган хорижий инвесторлар ва маҳаллий тадбиркорлик субъектлари сарф-харажатларининг ошишига олиб келмоқда;

иккинчидан, амалдаги қонун ҳужжатлари, жумладан, Ўзбекистон Республикасининг «Ҳакамлик судлари тўғрисида»ги қонуни томонларнинг инвестициялар билан боғлиқ низоларни халқаро арбитраж соҳасидаги стандартларга мувофиқ, хорижий арбитражларни жалб этган ҳамда хорижий ҳуқуқни қўллаган ҳолда кўриб чиқиш имкониятларини чекламоқда;

учинчидан, Ўзбекистонда халқаро арбитраж қарорларини ижро этишнинг аниқ ҳуқуқий механизмлари шакллантирилмаганлиги хорижий инвесторларнинг мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимига бўлган ишончига салбий таъсир кўрсатмоқда, оқибатда республиканинг инвестициявий жозибadorлигини пасайтирмоқда;

---

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 6 ноябрда эълон қилинган.

тўртинчидан, маҳаллий арбитраж ва халқаро арбитраж соҳасидаги бошқа мутахассисларни тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш фаолияти йўлга қўйилмаган.

Инвестициялар билан боғлиқ низоларни халқаро арбитраж орқали ҳал этишнинг замонавий ва халқаро стандартларга асосланган механизмларини шакллантириш, инвестиция муҳитини яхшилаш, инвесторларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилиниши кафолатларини мустаҳкамлаш, шунингдек, 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ва Адлия вазирлигининг нодавлат нотижорат ташкилот мақомига эга Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ҳузуридаги Тошкент халқаро арбитраж марказини ташкил этиш (кейинги ўринларда — Марказ) тўғрисидаги таклифига розилик берилсин ва унинг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгилансин:

а) турли давлатларда жойлашган тижорат ташкилотлари, шу жумладан, хорижий инвесторлар ўртасида юзага келадиган шартномавий ва бошқа фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низоларни, хусусан, инвестициялар, интеллектуал мулк ва блокчейн технологиялари билан боғлиқ низоларни халқаро арбитраж орқали ҳал этишни ташкил этиш;

б) низоларни халқаро арбитраж ва низоларни ҳал этишнинг бошқа муқобил усуллари орқали ҳал этиш механизмларини ривожлантириш ва такомиллаштириш;

в) етакчи хорижий арбитражлар билан ҳамкорликни йўлга қўйиш, халқаро арбитраж орқали низоларни ҳал этиш соҳасида тажриба алмашиш, шунингдек, Марказда низоларни ҳал этишга хорижий арбитражларни жалб қилиш;

г) халқаро арбитраж, шу жумладан, инвестициялар билан боғлиқ низоларни суддан ташқари ҳал этиш соҳасида мутахассислар тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, шунингдек, ушбу йўналишда тадқиқотлар ўтказиш бўйича чора-тадбирларни амалга оширишда иштирок этиш;

д) маҳаллий ва хорижий хўжалик юритувчи субъектлар, хусусан, хорижий инвесторларга инвестиция билан боғлиқ, шу жумладан, томонлардан бири давлат бўлган низоларнинг вужудга келишининг олдини олиш соҳасида консультация хизматларини кўрсатиш.

2. Белгилансинки:

Марказга арбитр сифатида Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлган мутахассислар билан бир қаторда хорижий давлатлар фуқароси бўлган малакали арбитражлар ҳам жалб этилиши мумкин;

томонларнинг келишувига кўра, низоларни ҳал этишда Марказ арбитражлари томонидан бошқа, шу жумладан, хорижий давлатнинг ҳуқуқи қўллалиниши мумкин;

Марказ арбитражларининг қарорлари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳакамлик судлари қарорларини ижро этиш учун қонун ҳужжатларида, шу-

нингдек, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида кўзда тутилган тартибда ижро этилади;

Марказда ёзишмалар ва иш юритиш ўзбек, рус ва инглиз тилларида олиб борилади;

судлар ўз ваколатлари доирасида ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда арбитраж ишлари кўрилишида далиллар олиш, тўплаш, Марказ арбитражлари қарорларининг ижросини таъминлаш бўйича чоралар кўриш борасида Марказга кўмаклашади;

Марказнинг Ўзбекистон Республикаси норезиденти бўлган арбитражлари арбитраж функцияларини бажаргани учун гонорар сифатида олинган маблағлар қисми учун жисмоний шахсларнинг даромадидан олинадиган солиқ тўлашдан озод этилади;

низоларни халқаро арбитраж йўли билан ҳал этишга хорижий давлатлар фуқароларини Марказ арбитражлари ва экспертлар сифатида жалб этиш учун Ўзбекистон Республикаси ҳудудида меҳнат фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи рухсатнома олиш талаб этилмайди;

низони халқаро арбитраж орқали кўриб чиқиш учун аризаларни қабул қилиш, шунингдек, эшитувлар ва бошқа процессуал ҳаракатларни ўтказиш замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда онлайн тартибда, арбитражлар ва томонларнинг иштирокисиз амалга оширилиши мумкин;

Марказда низоларни халқаро арбитраж орқали ҳал этишда иштирок этаётган томонларнинг вакилларида арбитраж қарорлари Ўзбекистон Республикасининг ваколатли судларида қайта кўриб чиқилганда, шунингдек, Марказда кўриб чиқилаётган арбитраж низолари бўйича ҳар қандай масалалар белгиланган тартибда кўриб чиқилганда адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг мавжуд бўлиши талаб этилмайди;

Марказ қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда низоларни медиация тамойилини ўтказиш орқали ҳал этиш ва низоларни ҳал этишнинг бошқа муқобил усулларини қўллаш ҳуқуқига эга;

юрidik шахсларнинг Марказда низони кўриб чиқиш билан боғлиқ арбитраж харажатларини тўлашга йўналтириладиган маблағлари қўшилган қиймат солиғидан озод этилади;

Марказ ўз номи туширилган бланк ва думалоқ муҳрга, тижорат банкларида миллий ва чет эл валютасидаги банк ҳисобварақларига эга бўлиши мумкин.

3. Маълумот учун қабул қилинсинки, ЕХХТ ва БМТ Тараққиёт дастурининг Ўзбекистон Республикасидаги ваколатхоналари томонидан Марказ фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва уни ташкил этишда кўмаклашишга қизиқиш билдирилган.

4. Белгилансинки:

Марказ қошида унинг фаолиятига халқаро стандартларни жорий этишга кўмаклашиш мақсадида арбитраж соҳасидаги етакчи халқаро ва маҳаллий мутахассислардан, шунингдек, жаҳоннинг эътироф этилган ар-

битраж маркаслари арбитражларидан иборат Кузатув кенгаши ташкил этилади;

Марказга Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси раиси томонидан, қоидага кўра, етакчи хорижий халқаро арбитражларда арбитраж сифатида ишлаш тажрибасига эга шахслар орасидан тайинланадиган раҳбар бошчилик қилади.

5. Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси белгиланган тартибда:

икки ҳафта муддатда Марказ Кузатув кенгаши таркибини шакллантиришни;

бир ой муддатда Марказ Қоидалари, тузилмаси ҳамда асосан етакчи хорижий халқаро арбитражларда ишлаш тажрибасига эга ва Марказ Кузатув кенгаши томонидан маъқулланган арбитражлар рўйхатини шакллантириш ва тасдиқлашни;

бир ой муддатда етакчи халқаро экспертларни жалб этган ҳолда, ушбу қарор ва Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Халқаро савдо ҳуқуқи бўйича комиссиясининг «Халқаро савдо арбитражи тўғрисида»ги намунавий қонун талабларига мувофиқ «Халқаро тижорат арбитражи тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқирилишини яқунлаш ва уни Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритишни таъминласин.

6. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Марказнинг буюртманомаларига кўра Марказ арбитражлари, Кузатув кенгаши аъзолари, экспертлар, томонларнинг вакиллари, Марказ зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун жалб этиладиган бошқа хорижий мутахассисларга кириш визалари консуллик ва бошқа йиғимларни ундирмаган ҳолда расмийлаштирилишини таъминласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Марказ буюртманомаларига кўра Марказ арбитражлари, Кузатув кенгаши аъзолари, экспертлар, томонларнинг вакиллари, Марказ зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун жалб этиладиган бошқа хорижий мутахассисларга ва уларнинг оила аъзоларига визалар муддати узайтирилишини, шунингдек, улар вақтинча яшайдиган жойда вақтинчалик рўйхатга олиш ва унинг муддатини узайтиришни давлат божини ундирмаган ҳолда белгиланган тартибда таъминласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси, 11-уй манзилида жойлашган бинонинг Савдо-саноат палатасига Марказни жойлаштириш учун беғараз асосда берилишини таъминласин.

9. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Марказни белгиланган тартибда имтиёзли асосда зарур алоқа воситалари билан ҳамда юқори тезликдаги интернет тармоғига уланишини таъминласин.

10. Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатасига Марказнинг зарур мебель, анжомлар, компьютер ва офис техникаси билан, шунингдек,

хоналарнинг арбитраж эшитувларини, шу жумладан, онлайн режимда ўтказиш учун жиҳозланишига кўмаклашиш тавсия этилсин.

11. Савдо-саноат палатаси ва Марказ 2021 йил 1 октябрга қадар Марказни жиҳозлаш учун белгиланган тартибда шакллантириладиган рўйхат бўйича олиб кириладиган, Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиган компьютер техникаси, дастурий маҳсулотлар, ўқув ва илмий-услубий адабиётлар, анжомлар ва моддий-техник ресурслар учун божхона тўловларидан (божхона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари) озод этилсин.

12. Савдо-саноат палатаси манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси арбитражлари қарорлари устидан шикоят қилиш ва уларни ижро этиш тартибини белгиладиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

13. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш. Низомиддинов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Б.М. Мавлонов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2018 йил 5 ноябрь,  
ПҚ-4001-сон



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ**873 Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси фаолиятини такомиллаштириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида\***

Кейинги йилларда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини, давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайловларни ҳамда референдумни очик, шаффоф ва мустақиллик принциплари асосида ўтказишда халқ ҳокимияти ва сиёсий плюрализмнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш ва сайлов тизимини босқичма-босқич модернизациялаш бўйича чора-тадбирлар қабул қилинди.

Сайлов тизими нафақат давлат ҳокимияти органларини демократик шакллантириш тизимининг элементи, балки фуқаролик жамиятининг давлат бошқарувида иштирок этиш даражаси кўрсаткичига айланди.

Шу билан бирга, мамлакатда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар, давлат органларини шакллантириш жараёнини янада демократлаштириш сиёсати сайловларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш бўйича тўпланган тажриба, замонавий халқаро сайлов стандартларини ва сайлов жараёнида ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланишни ҳисобга олган ҳолда сайлов тизимининг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштиришни талаб этмоқда.

Шу билан бир қаторда, замонавий шарт-шароитларда Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг (кейинги ўринларда — Марказий сайлов комиссияси) ахборот-таҳлилий, услубий ва маслаҳат ишларини ташкиллаштиришга қўйиладиган талаблар, шунингдек, илғор хорижий тажрибани ўрганиш ва жорий этишга, сайлов комиссиялари аъзоларининг профессионал маҳоратини юксалтиришга талаблар ошиб бормоқда.

Сайлов комиссиялари ва референдумни ўтказиш бўйича комиссиялар фаолияти самарадорлигини ошириш, шунингдек, 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни бажариш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси сайлов тизимини янада такомиллаштиришнинг энг муҳим йўналишлари этиб қуйидагилар белгилансин:

биринчидан — сайлов ва референдумларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш, шунингдек, фуқаролар конституциявий сайлов ҳуқуқларини амалга оширилишини таъминлаш бўйича умумэътироф этилган халқаро принциплар ва стандартлар, хорижий мамлакатларнинг илғор тажрибасини ҳисобга олган ҳолда, сайлов тизими ва қонунчилигини босқичма-босқич либераллаштириш;

иккинчидан — сайлов комиссияларининг фаолияти самарадорлигини ошириш, Марказий сайлов комиссиясининг сайловларга тайёргарлик кўриш

---

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 7 ноябрда эълон қилинган.

ва уларни ўтказиш жараёнида, ташкилий, ахборот-таҳлилий, услубий, маслаҳат функцияларини кучайтириш, унинг мақомини мустаҳкамлаш ҳамда оптималлаштириш;

учинчидан — сайлов комиссиялари ва референдумни ўтказиш бўйича комиссиялар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш, сайловларни бошқариш тизимини модернизация қилиш, сайлов жараёнида ахборот хавфсизлигини таъминлаш;

тўртинчидан — сайлов комиссиялари аъзоларининг малакасини ошириш ва ўқитиш тизимини жорий этиш, сайловчилар ҳамда сайлов жараёни бошқа субъектларининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш;

бешинчидан — сайловларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказишда жамоатчилик назоратини кучайтириш, сайлов комиссиялари ва референдумни ўтказиш бўйича комиссиялар фаолиятида жамоатчилик иштирокини кенг таъминлаш;

олтинчидан — сайлов комиссиялари фаолиятининг моддий-техник таъминотини янада яхшилаш, муносиб шароит яратиш, сайлов комиссиялари аъзолари ва ходимлари самарали фаолият юритишлари учун ижтимоий ва моддий рағбатлантиришнинг янги механизмларини жорий этиш;

еттинчидан — сайлов қонунчилиги меъёрларини унификациялаш ва такомиллаштириш.

2. Марказий сайлов комиссияси томонидан:

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари ва бошқа жамоат ташкилотлари билан биргаликда демократик тамойилларга ҳамда халқаро стандартларга жавоб берадиган Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодекси лойиҳаси ишлаб чиқилгани;

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда сайлов жараёнига «битта сайловчи — битта овоз» тамойилини амалга оширишни таъминлайдиган Ўзбекистон Республикаси сайловчиларининг ягона электрон рўйхатини жорий этиш бўйича иш олиб борилаётгани маълумот учун қабул қилинсин.

3. Марказий сайлов комиссиясининг:

а) Сайлов қонунчилиги ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар дастурини 1-иловага\* мувофиқ қабул қилиш;

б) сайлов комиссиясининг доимий асосда ишловчи 7 нафар аъзоси шу жумладан, раис, раис ўринбосари ва котиби ишини ташкил этиш, шунингдек, 26 нафар масъул ходимдан иборат Марказий сайлов комиссияси Котибияти штат бирлигини белгилаш;

в) Марказий сайлов комиссияси таркибида Сайлов қонунчилиги ва замонавий технологиялар бўйича ўқув марказини ташкил этиш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин. Ўқув марказининг вазифалари этиб қуйидагилар белгилансин:

сайлов комиссияси аъзоларини тизимли ўқитиш, малакасини ошириш, уларнинг сайлов қонунчилиги соҳасида мукамал билимларини, сайлов

---

\* 1-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

жараёнида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишда профессионал кўникмаларини шакллантириш;

сайловларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш амалиёти, шунингдек, миллий сайлов қонунчилигининг умумэтироф этилган халқаро принциплари ва стандартларига мувофиқлигини тизимли равишда мониторинг қилиб бориш;

сайлов тизимининг муаммоларини чуқур ўрганишни таъминлаш, ушбу соҳадаги долзарб муаммолар бўйича тадқиқотлар ўтказиш, шунингдек, уларни бартараф этиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш;

сайлов жараёнини ташкил этиш бўйича илмий-амалий қўлланмалар тайёрлаш ва чоп этиш, сайловчиларни сайловда овоз бериш тартиби, сайлов кампанияси жараёнлари билан таништириш бўйича замонавий технологиялардан фойдаланган ҳолда ўқув-услубий материалларни яратиш.

4. 2019 йил 1 январдан Марказий сайлов комиссияси аъзолари ва Котибият ходимларининг Ягона тариф сеткаси бўйича иш ҳақи разрядлари 2-иловага\* мувофиқ;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар сайлов комиссияларида доимий асосда ишловчи котибларга Ягона тариф сеткаси бўйича 12-чи иш ҳақи разряди тасдиқлансин.

5. Белгилансинки, 2019 йил 1 январдан бошлаб олий юридик маълумотга эга бўлган Марказий сайлов комиссиясида доимий асосда ишловчи комиссия аъзолари ва Котибият ходимларига Ўзбекистон Республикаси адлия идора ва муассасалари ходимлари учун назарда тутилган махсус унвон-мартаба даражалари берилди ҳамда мартаба даражалари ва кўп йиллик хизматлари учун устама ва қўшимча ҳақ тўланади.

6. Иш берувчиларга сайловларни ва референдумни ўтказиш даврида жамоатчилик асосида ишлаб келаётган туман ва шаҳарлар сайлов комиссиялари раиси, унинг ўринбосари ёки котибларига Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар сайлов комиссияларининг тавсияларига кўра, ойлик маошига асосий иш жойи моддий рағбатлантириш жамғармаси ҳисобидан 50 фоиз миқдорда устама белгилаш тавсия этилсин.

7. Марказий сайлов комиссияси аъзолари дахлсизлик мақоми бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзоларига тенглаштирилсин.

8. Тошкент шаҳар ҳокимлиги:

икки ой муддатда Марказий сайлов комиссиясини мажлислар ўтказиш, хорижий мамлакатлар ва халқаро ташкилотлардан ташриф буюрувчи расмий делегациялар ва кузатувчиларни қабул қиладиган заллар, шунингдек, семинар-тренинглар ўтказишга мўлжалланган хоналардан иборат алоҳида бинога жойлаштириш бўйича таклифлар тайёрласин;

зарур ҳолларда, Марказий сайлов комиссиясининг доимий асосда ишловчи аъзоларига хизмат уйлари ажратсин.

9. Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳамда бошқа давлат ташкилотлари сайлов комиссиялари ва

---

\* 2-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

референдумни ўтказиш бўйича комиссияларга сайлов ва референдумларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш, қўйилган вазифаларни бажаришлари учун ахборот, ҳужжатлар, бино ва иншоотлар, зарур моддий-техника воситаларини ўз вақтида тақдим этиш бўйича амалий ёрдам кўрсатилишини таъминласин.

10. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Марказий сайлов комиссияси фаолиятини такомиллаштириш ва унинг молиявий мустақиллигини ва моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ҳамда транспорт воситалари билан таъминлаш учун зарур маблағларни ажратсин.

11. Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари ва қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қарорлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, вазирликлар ва идоралар норматив-ҳуқуқий ҳужжатларининг мажбурий жўнатмалари рўйхатига киритилсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси фаолиятини ташкил этиш масалалари тўғрисида» 1998 йил 9 сентябрдаги 387-сон қарорининг 2 ва 6-бандлари ўз кучини йўқотган деб топилсин.

13. Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

14. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш. Низомиддинов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Б.М. Мавлонов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2018 йил 6 ноябрь,  
ПҚ-4004-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ**874** **Балиқчилик соҳасини янада ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида\***

Республикада балиқчилик тармоғини жадал ривожлантириш, балиқ маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг замонавий ва инновацион услубларини жорий этган ҳолда ҳажмларини ошириш, соҳани тартибга солиш бўйича бир қатор қонун ҳужжатлари қабул қилиниб, уларнинг ижросини сифатли ва пухта таъминлаш чоралари кўрилмоқда.

Шу билан бирга, интенсив усулда балиқ етиштириш бўйича ишларга етарли даражада эътибор қаратилмаяпти, ҳудудларда балиқчилик тармоғини ривожлантиришда юзага келаётган муаммоларни ҳал этиш, балиқчилик хўжаликларини қўллаб-қувватлаш борасида олиб борилаётган ишлар етарли даражада эмас.

Балиқчилик хўжаликларига бириктирилган сув ҳавза майдонларидан илмий ёндашув асосида самарали фойдаланиш, уларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, шунингдек, ресурс тежамкор технологиялар ва инновацияларни кенг қўламда жорий қилиш ишларига етарлича эътибор берилмаяпти.

Сунъий сув ҳавзалари ҳосилдорлигини ошириш учун балиқчилик хўжаликларининг минерал ўғитларга бўлган талаби тўлиқ қондирилмаяпти. Шунингдек, минерал ўғитни бошқа муқобил ўғитлар билан алмаштириш бўйича илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш йўлга қўйилмаган.

Балиқни интенсив усулда етиштириш, овлаш ва қайта ишлаш учун зарур асбоб-ускуна, анжом ва механизмларни маҳаллий ишлаб чиқариш йўлга қўйилмаган. Бунинг оқибатида кўплаб тадбиркорлар вақт ва маблағини ортиқча сарфлаб, уларни чет элдан харид қилмоқда.

Балиқчилик соҳасига тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни кириштириш ишлари лозим даражада ташкил этилмаган, бу борада хорижий давлатлар ва ташкилотлар билан самарали, ўзаро манфаатли ҳамкорлик йўлга қўйилмаган.

Республикада интенсив усулда балиқ етиштиришни босқичма-босқич йўлга қўйиш ва рағбатлантириш, мавжуд сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, соҳага инновацион ғоялар, илмий ишланмалар, замонавий технологиялар ва илм-фан ютуқларини кенг қўламда жорий қилиш, балиқчилик тармоғини янада қўллаб-қувватлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Сув хўжалиги вазирлиги, «Ўзбекбалиқсаноат» уюшмаси ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликларининг узлуксиз сув таъминлаш имконияти бўлган сунъий сув ҳавза майдонлари мавжуд бўлган балиқчилик хўжаликларини босқичма-босқич интенсив усулда балиқ етиштиришга ихтисослаштириш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 7 ноябрда эълон қилинган.

2. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, «Ўзбекбаликсаноат» уюшмаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда ишлаб чиқилган 2019 йилда республикада:

балиқ етиштириш ва овлаш прогноз параметрлари 1 ва 1а-иловаларга\* мувофиқ;

балиқ етиштириш иншоотлари ва қурилмаларини барпо этишнинг прогноз параметрлари 2-иловага\* мувофиқ;

балиқчилик хўжаликларига омухта ем ва минерал ўғит (аммофос) етказиб беришнинг прогноз параметрлари 3-иловага\* мувофиқ;

репродуктор ховузларни ташкил этиш, балиқ чавоқлари етиштириш, балиқ маҳсулотларини қайта ишлаш ва сақлаш қувватларини ишга туширишнинг прогноз параметрлари 4-иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, «Ўзбекбаликсаноат» уюшмаси ва «Ипотека банк» АТИБ билан биргаликда ушбу қарорга асосан ўрнатилган прогноз параметрларининг ижросини таъминлаш юзасидан туманлар ва балиқчилик хўжаликлари кесимида манзилли чора-тадбирлар дастурларини ишлаб чиқиб тасдиқласин, уларнинг самарали ва тўлиқ ижроси юзасидан тизимли мониторинг ўрнатсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг (кейинги ўринларда — Жамғарма) маблағлари ҳисобидан эквиваленти 50 миллион АҚШ доллари миқдорида «Ипотека банк» АТИБнинг устав капиталидаги давлат улуши оширилсин.

Белгилансинки, «Ипотека банк» АТИБ устав капиталига йўналтириладиган Жамғарма маблағлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 6 январдаги ПҚ–2718-сон «Озиқ-овқат, чарм-пойабзал ва фармацевтика саноатида инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш манбаларини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ томонидан очилган кредит линияси маблағлари ҳисобидан ажратилади.

Жамғарма уч ой муддатда ушбу бандда кўрсатилган маблағларни «Ипотека банк» АТИБ устав капиталига ўтказиб берилишини таъминласин.

Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ўрнатилган тартибда «Ипотека банк» АТИБ томонидан чиқариладиган акцияларни рўйхатдан ўтказилишини таъминласин.

4. Белгилаб қўйилсинки:

«Ипотека банк» АТИБ устав капиталига киритилаётган эквиваленти 50 миллион АҚШ доллари миқдоридаги Жамғарманинг валюта маблағларидан зарурат бўлганда балиқчиликни ривожлантириш соҳасидаги лойиҳаларни молиялаштириш учун фойдаланилади;

тадбиркорлик субъектларига ушбу бандда назарда тутилган маблағлар эвазига кредитлар тижорат фоиз ставкаси бўйича унинг 50 фоизини Ўзбе-

---

\* 1 — 4-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

кистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан компенсация қилган ҳолда берилади;

«Ипотека банк» АТИБ кейинги 5 йил давомида белгиланган тартибда Жамғарманинг улушини ҳар йилги соф фойда ҳисобидан акцияларнинг бозор қийматида, лекин номинал қийматидан паст бўлмаган қийматда сотиб олади.

«Ипотека банк» АТИБ балиқчилик соҳасини ривожлантиришни молиялаштириш учун тақдим этилган лойиҳаларни чуқур таҳлиллар асосида рентабеллик, самарадорлик ва пул оқимларининг кредит ҳамда улар бўйича фоизларни ўз вақтида қайтаришни таъминлайдиган лойиҳаларнинг кредитланишини амалга оширади.

5. Балиқчилик лойиҳалари ҳажми ва уни амалга ошириш учун зарур бўлган валюта туридан қатъи назар тижорат банклари томонидан 2019-2020 йилларда ажратилаётган кредит фоизи учун Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси ҳисобидан компенсация беришнинг куйидаги тартиби ўрнатилсин:

айланма маблағларни тўлдиришга (балиқ чавоқлари, омухта ем, минерал ўғит ва бошқалар) тижорат банки томонидан ўрнатилган кредит ставкасининг 25 фоизи миқдорида;

насли она балиқ ва балиқ увилдириғи, ёпиқ сув айланма тизими, қафас (садок) қурилмаларида ва бошқа интенсив усулларда балиқ етиштиришни ташкил этиш, балиқ маҳсулотларини қайта ишлаш ва сақлаш, инкубация цехлари ва репродукторларни ташкил этиш, ҳовузлар қуриш ва қайта таъмирлаш, махсус техника ва бошқа асосий воситаларни харид қилиш ҳамда барпо этиш учун тижорат банки томонидан ўрнатилган кредит ставкасининг 50 фоизи миқдорида.

Тижорат банклари балиқчилик лойиҳаларини молиялаштиришни кенгайтириш учун халқаро молия институтлари ва хорижий банклар маблағларини жалб этиш бўйича зарурий чора-тадбирларни кўрсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳар йили 15 миллион АҚШ доллари эквиваленти миқдоридаги маблағларни 2019-2020 йиллар давомида тегишли йилнинг 1 февралига қадар балиқчилик лойиҳаларини молиялаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармасига ўтказиб берсин.

7. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, «Ўзбекбалиқсаноат» уюшмаси, «Ипотека банк» АТИБ, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликларининг балиқчилик соҳасида тўлиқ тизимли (инкубация цехи, чавоқ ва товар балиқ етиштириш, юқори оқсилга бой балиқ еми, қайта ишлаш ва сақлаш) ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган балиқчилик кластерларини ташкил этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

Белгилансинки, ташкил этилаётган балиқчилик кластерларининг йил-

лик балиқ етиштириш қуввати камида 50 тонна бўлган тақдирда улар 2019 йил 1 январдан бошлаб дастлабки уч йил давомида барча солиқлар ва давлат мақсадли жамғармаларга мажбурий ажратмалардан озод этилади.

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Сув хўжалиги вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, «Ўзбекбалиқсаноат» уюшмаси, «Ипотека банк» АТИБ, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда 2019 йил 1 февралга қадар муддатда салоҳиятли тадбиркорлик субъектларини, молиялаштириш манбалари ҳамда ер майдонларини аниқлаб 2019 — 2021 йилларда балиқчилик кластерларини ташкил этишининг манзилли дастури лойиҳасини тасдиқлаш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

8. «Ўзэлтехсаноат» АК, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва Қишлоқ хўжалиги вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда балиқни интенсив усулда етиштириш, овлаш ва қайта ишлаш учун зарур бўладиган асбоб-ускуна, жиҳоз ва механизмлар ишлаб чиқаришни 2019 йил якунига қадар маҳаллийлаштириш чораларини кўрсин.

Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси республикада балиқни интенсив усулда етиштириш, овлаш ва қайта ишлаш учун зарур бўладиган асбоб-ускуна, жиҳоз ва механизмларни ишлаб чиқиш мақсадида «Ўзэлтехсаноат» АК томонидан тақдим этилган лойиҳа ҳужжатларига асосан хорижий инвесторларни жалб этсин.

9. 2021 йил 1 ноябрга қадар муддатда:

насли она балиқ, балиқ увилдириғи, шунингдек, республикада ишлаб чиқарилмайдиган инкубация, лаборатория, интенсив усулда балиқ етиштириш, балиқ овлаш, балиқ маҳсулотларини қайта ишлаш, музлатиш ва сақлаш учун зарур бўладиган асбоб-ускуна, анжом, механизмларни ва уларнинг эҳтиёт қисмлари, муқобил энергия таъминоти ускуналари, мелиорация ишлари учун махсус техникалар ва тирик балиқ ташувчи транспорт воситалари;

чет эл ташкилотлари ва унинг шўъба корхоналари, фирма дўконлари, дилерлик тармоқлари ва тадбиркорлик субъектлари томонидан балиқчилик хўжаликлари эҳтиёжи учун четдан келтириладиган омукта ем ва минерал ўғит (аммофос) божхона тўловларидан (божхона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари) озод этилади.

10. «Ўзкимёсаноат» АЖ балиқчилик хўжаликларига талаб қилинадиган 30,7 минг тонна минерал ўғит (аммофос)нинг 2019 йил давомида ишлаб чиқарилиши ва биржа савдоларига қўйиб борилишини таъминласин.

11. Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги 2019 йил 1 апрелга қадар муддатда прогнозлаштирилган сув миқдоридан келиб чиқиб, ўрнатилган тартибда фаолият юритаётган балиқчилик хўжаликлари билан сувдан фойдаланиш бўйича шартнома тузилишини ва балиқчилик хўжаликлари учун белгиланган сув миқдорининг кафолатли етказиб берилишини таъминласин.

Сув танқислиги шароитида балиқчилик хўжаликлари томонидан сунъий сув ҳавзаларига бошқа манбалардан қўшимча сув олиб келиш чоралари



кўрилади ҳамда мазкур ишлар балиқчилик хўжалиklarининг ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

12. Белгилаб қўйилсинки, янгидан ташкил этиладиган сунъий сув ҳавзаларида балиқ етиштириш лойиҳаларига ер участкалари:

фақатгина интенсив усул ва ресурс тежамкор технологиялар қўлланди;

сув билан кафолатли таъминлаш ва ерларнинг мелиоратив ҳолатига салбий таъсири йўқлиги бўйича Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигининг ҳулосаси асосида ажратилади.

13. Балиқчилик хўжалиklarининг сунъий сув ҳавза майдонлари ва ички канал, коллектор ва дренажлардаги мелиорация ва чуқурлаштириш ишлари Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги тизимидаги ихтисослаштирилган ташкилотлар томонидан амалга оширилади.

Белгилансинки:

балиқчилик хўжалиklари сунъий сув ҳавза майдонларида ички канал, мелиорация ва чуқурлаштириш бўйича бажариладиган ишлар балиқчилик хўжалиklarининг ўз маблағлари;

барча коллектор ва дренажларда мелиорация бўйича бажариладиган ишлар Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

14. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси:

«Ўзбекбалиқсаноат» уюшмаси билан биргаликда бир ой муддатда балиқчилик соҳасида илм-фан ва ишлаб чиқариш интеграциясини янада кучайтириш мақсадида узвий ҳамкорликни йўлга қўйсин, балиқчилик соҳасида мавжуд муаммоларни бартараф этиш бўйича «йўл харита»си ишлаб чиқилишини;

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва «Ўзбекбалиқсаноат» уюшмаси билан биргаликда икки ой муддатда балиқчилик соҳаси ривожланган хорижий давлатларнинг илғор ва замонавий технологиялари асосида сунъий сув ҳавза майдонларида интенсив усулда балиқ етиштиришни ташкил этиш бўйича услубий тавсиялар ва намунавий лойиҳалар ишлаб чиқилиб жойларга етказилишини;

«Ўзкимёсаноат» АЖ билан биргаликда сунъий сув ҳавзаларида балиқ етиштириш ҳосилдорлигини ошириш учун сарфланадиган минерал ўғитни (аммофос) бошқа муқобил ўғит билан алмаштириш бўйича илмий асосланган тавсиялар ишлаб чиқилиб, улар ҳақида балиқчилик хўжалиklarига тушунтириш ишларини ташкиллаштирсин.

15. «Ўзбекбалиқсаноат» уюшмаси Балиқчилик илмий-тадқиқот институтининг илм-фан соҳасини ривожлантириш, инновацион ғоялар, илмий ишланмалар, замонавий технологияларни ишлаб чиқиш ва амалиётда жорий этиш мақсадида 2019 йилда уюшманинг Балиқчиликни ривожлантириш жамғармаси ҳисобидан 1 миллиард сўм йўналтирсин.

16. «Ўзбекбалиқсаноат» уюшмасининг илм-фан ва инновацион технологияларни жорий этиш ҳамда янги турдаги балиқларни маҳаллийлаштириш

масалалари бўйича раис ўринбосари лавозимини жорий этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

«Ўзбекбалиқсаноат» уюшмаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги билан биргаликда инновацион ғоялар, илмий ишланмалар, замонавий технологиялар ва илм-фан ютуқларини балиқ етиштириш ва уни қайта ишлаш тармоғига йўналтириш самарадорлигини ошириш мақсадида янгидан жорий этилган лавозимга чет эллик мутахассисни жалб қилиш чораларини кўрсин.

17. Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги фундаментал, амалий ҳамда инновацион тадқиқотлар давлат илмий-техник дастурларини шакллантиришда балиқчилик ташкилотлари сув ҳавза ер участкаларидан самарали фойдаланиш бўйича инновацион ишланмалар ва замонавий технологиялар ишлаб чиқишлигини назарда тутувчи илмий лойиҳалар киритилишини таъминласин.

18. Белгилансинки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 апрелдаги «Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари фаолиятини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ–3680-сон қарори 3-бандининг иккинчи хатбошиси «Ўзбекбалиқсаноат» уюшмасининг аъзолари бўлган балиқчилик фермер хўжаликларига нисбатан татбиқ этилмайди.

19. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, «Ўзбекбалиқсаноат» уюшмаси билан биргаликда икки ой муддатда балиқчилик хўжаликларига сунъий сув ҳавза майдонларида етиштирилган балиқ ҳосилдорлигидан келиб чиқиб, шунингдек, бу соҳадаги илғор хорижий тажрибани инobatга олган ҳолда табақалаштирилган ягона ер солиғи ставкаларини қўллаш бўйича таклиф киритсин.

20. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари бир ой муддатда:

деҳқон бозорлари ва аҳоли гавжум бўлган ҳудудларда балиқ сотишни ташкил этиш учун аквариумлар ўрнатилиши ва ихтисослашган савдо нуқталари ташкил этилиши бўйича манзилли дастурларни тасдиқласин;

балиқчилик соҳасига тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш мақсадида инвестиция лойиҳаларининг рўйхатини пухта ишлаб чиқиб, хорижий ҳамкорларни жалб этиш учун Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси ва «Ипотека банк» АТИБга тақдим этсин.

21. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Сув хўжалиги вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат статистика қўмитаси, Давлат солиқ қўмитаси, Давлат божхона қўмитаси, Экология ва табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, бошқа вазирлик ва идоралар «Ўзбекбалиқсаноат» уюшмасига мазкур қарор ва бошқа қонун ҳужжатлари билан юклатилган вазифаларнинг сифатли ва ўз вақтида бажарилиши учун ҳар томонлама амалий ёрдам кўрсатсин.

22. Айдар-Арнасой кўллар тизимида интенсив усулда балиқ етиштириш-

ни ривожлантириш ва инвестицияларни жалб этиш бўйича комиссия ташкил қилинсин ва унинг таркиби 5-иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

Комиссия (С.Р. Холмуродов) уч ой муддатда Айдар-Арнасой кўллар тизимида табиий фаунани муҳофаза қилиш, балиқларнинг янги турларини етиштириш, балиқчилик кластерларини ташкил этиш, рухсатсиз балиқ тутишга қарши курашишнинг самарали механизмини жорий этиш, хорижий инвестицияларни жалб қилиш, шу жумладан «Айдар-Арнасой кўллар тизими дирекцияси» ДУКнинг бошқарув самарадорлигини танқидий ўрганиб чиқиш, кўллар тизимини ишончли бошқарувга бериш бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

23. Мамлакатда аккредитациядан ўтган дипломатик ваколатхоналар, хорижий туристлар, турли мамлакатларнинг балиқчилик соҳаси вакиллари, эксперт ва мутахассисларни кенг жалб қилган ҳолда 2019 йилдан бошлаб ҳар йили ноябрь ойида балиқчиликка оид кўргазма ўтказиш амалиёти жорий қилинсин.

24. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси раиси С.Р. Холмуродовга — ҳудудларнинг балиқчиликни ривожлантириш бўйича инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш учун салоҳиятли инвесторларни излаш, балиқчилик соҳасига инвестицияларни жалб қилиш, жалб қилинаётган маблағларнинг ўз вақтида ўзлаштирилишини таъминлаш, шунингдек, Комиссиянинг самарали фаолиятини ташкил этиш;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ва вилоятлар ҳокимларига — қарор билан тасдиқланган прогноз параметрларининг ижросини таъминлаш юзасидан туманлар ва балиқчилик хўжаликлари кесимида манзилли чора-тадбирлар дастурларини ўз вақтида ишлаб чиқиб, тасдиқлаш ва уларнинг ижроси устидан доимий назорат олиб бориш;

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — молия вазири Ж.А. Қўчқоровга — мазкур қарорда белгиланган бюджетдан молиялаштириш тадбирлари учун маблағларнинг ўз вақтида ва тўлиқ ажратилиши;

Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазири Б.Т. Юсуповга — мазкур қарор билан тасдиқланган прогноз кўрсаткичлар ижроси устидан хўжаликлар кесимида мониторинг тизими ўрнатилиши ва уларнинг ҳисоботи юритилиши, балиқчилик кластерларининг фаолияти ташкил этилиши ҳамда уларга ҳар томонлама ёрдам кўрсатилиши;

Ўзбекистон Республикаси сув хўжалиги вазири Ш.Р. Хамраевга — балиқчилик хўжаликлари билан сувдан фойдаланиш бўйича шартнома тузилиши ва уларга белгиланган сув миқдори кафолатли етказиб берилиши;

Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раиси Б.Т. Кучкаровга — табиий сув ҳавзаларини балиқлантириш ишлари, балиқ ресурслари муҳофаза қилиниши ва улардан оқилона фойдаланилиши ҳамда балиқ овлаш қондаларига риоя этилиши устидан тизимли назорат ўрнатиш;

«Ўзкимёсаноат» АЖ раиси А.А. Абдуллаевга — минерал ўғит (аммофос)-

---

\* 5-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

нинг вегитатив мавсумда белгиланган миқдорда биржа савдоларига чиқарилиши;

«Ўзэлтехсаноат» АК раиси А.А. Абдуллаевга — балиқни интенсив усулда етиштириш, овлаш ва қайта ишлаш учун анжом, асбоб-ускуна ва механизмларнинг республикада ишлаб чиқарилишини ташкил этиш юзасидан шахсий жавобгарлик юклансин.

25. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясига Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва «Ўзбекбалиқсаноат» уюшмаси билан биргаликда балиқчилик соҳасида амалга оширилаётган ислохотларни оммавий ахборот воситаларида мунтазам ёритиб бориш тавсия этилсин.

26. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 майдаги «Балиқчилик тармоғини бошқариш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–2939-сон қарорига 6-иловага\* мувофиқ ўзгартишлар киритилсин.

27. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Бош прокуратура, Ички ишлар вазирлиги ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда икки ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига қуйидагилар бўйича таклифлар киритсин:

тегишли рухсати бўлмаётган туриб ёки тақиқланган жойларда ёхуд тақиқланган муддатларда, тақиқланган қуроллар ёки усуллар билан балиқ тутганлик, шунингдек, балиқ тутишнинг бошқа қоидаларини бузганлик учун жавобгарликни янада кучайтириш тўғрисида;

қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида.

28. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш. Низомиддинов, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори О.Б. Муродов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Б.М. Мавлонов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2018 йил 6 ноябрь,  
ПҚ–4005-сон

---

\* 6-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ**875 Жиноят-ижроия қонунчилигини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида\***

Мамлакатда жазони ижро этиш тизимини такомиллаштириш, маҳкумларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг ҳимоясини таъминлаш, қайта жиноят содир этилишининг олдини олиш мақсадида уларни ахлоқан тузатиш бўйича тарбиявий ишларнинг самарадорлигини ошириш юзасидан комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, жиноят-ижроия амалиётини ўрганиш натижалари маҳкумларнинг ҳуқуқларига риоя этиш, уларнинг шаъни ва қадр-қиммати ҳурмат қилинишини таъминлаш, келгусида жамиятга ижтимоий мослаштириш учун ахлоқан тарбиялаш ва меҳнатга ўргатишнинг шаффоф ва янада самарали ҳуқуқий механизмларини жорий этиш зарурлигидан далолат бермоқда.

Замонавий халқаро стандартлар ва илғор хорижий тажрибани инobatга олган ҳолда жиноят-ижроия қонунчилигини тубдан такомиллаштириш мақсадида, шунингдек, 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ:

1. Қуйидагилар жинoий жазоларнинг ижросини таъминлаш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий базани янада такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари этиб белгилансин:

жиноят-ижроия қонунчилиги нормаларини унификация қилиш, тизимлаштириш ва уйғунлаштириш;

маҳкумлар ҳуқуқларига сўзсиз риоя этилишини, уларнинг шаъни ва қадр-қиммати ҳурмат қилинишини таъминлашнинг сифат жиҳатидан янги механизмларини жорий этиш;

маҳкумлар онгида қонунга итоаткор хулқ-атворни, инсонга, меҳнатга, ижтимоий турмуш қоидалари ва анъаналарига ҳурмат муносабатини шакллантириш тизимини такомиллаштириш;

умумэтироф этилган халқаро стандартларга мос равишда маҳкумлар ҳуқуқлари доирасини янада кенгайтириш;

маҳкумлар, биринчи навбатда, вояга етмаганлар ва ёшларнинг таълим олиши, касбий тайёргарлигини ташкил этиш ҳамда бандлигини таъминлаш тизимини ривожлантириш;

озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларни ижро этиш механизмларини тубдан қайта кўриб чиқиш, шартли ҳукм қилинган ва жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилинган шахсларнинг хулқ-атвори устидан назорат самарадорлигини ошириш;

жазони ижро этиш муассасалари фаолияти устидан жамоатчилик назo-

---

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 8 ноябрда эълон қилинган.

ратини кучайтириш, уларнинг озодликдан маҳрум этиш жойларидан озод этилган шахсларни ижтимоий мослаштиришда фуқаролик жамияти инсти-тутлари билан узвий ҳамкорлигини таъминлаш.

2. 2019 йил 1 январдан эътиборан, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Хуқуқбузарликлар профилактикаси бош бошқармасининг Озод-ликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларни ижро этилишини назорат қилиш бошқармаси ва унинг ҳудудий бўлинмалари негизида вазир-ликнинг Жазони ижро этиш бош бошқармаси ҳузуридаги Пробация хизма-ти ва тегишлича унинг ҳудудий бўлинмалари (кейинги ўринларда — проба-ция бўлинмалари) ташкил этилсин.

Пробация бўлинмаларининг асосий вазифалари этиб қуйидагилар бел-гилансин:

ички ишлар органларининг озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларни ижро этиш бўйича фаолиятини бошқа давлат органла-ри ва ташкилотлари, шунингдек, жамоат тузилмалари билан ўзаро ҳамкор-ликда самарали ташкил этиш;

шартли ҳукм қилинган ва жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилинган шахсларнинг хулқ-атвори устидан таъсирчан назоратни амалга ошириш;

назорат остидагилар, шунингдек, жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилган вояга етмаганларнинг ижтимоий мослашуви ва ишга жойла-шишига, шу жумладан, уларнинг касбий тайёргарлиги бўйича тадбирларни ташкил этиш орқали ҳар томонлама амалий кўмаклашиш;

назорат остидагиларнинг қайта жиноят содир этиш хавфини аниқлаш ва бунга йўл қўймаслик бўйича профилактик чора-тадбирларни амалга оши-риш, уларнинг шахсини ижтимоий-психологик портретни тузган ҳолда ўрга-ниш.

3. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

туман (шаҳар) пробация бўлинмаларининг шахсий таркиби улар зим-масига юклатилган вазифаларни бажаришда, қоида тариқасида, бир нафар ходимга шаҳарларда — 100, туманларда — 75 нафар маҳкум ҳисобидан ке-либ чиқиб тақсимланади;

пробация бўлинмалари устуворлик асосида ижтимоий, педагогика ва профилактика соҳаларида иш тажрибасига эга бўлган офицерлар таркибида-ги малакали ходимлар билан тўлдирилади;

катта амалий иш тажрибасига эга бўлган ва хизматдан салбий ҳолат-ларга кўра бўшатилмаган ички ишлар органларининг пенсионерлари, пен-сияси тўлиқ миқдорда тўланиши сақланган ҳолда, пробация бўлинмалари ходимлари лавозимига аттестациядан ўтган лавозим ҳисобидан тайинланиш-лари мумкин.

4. Ҳудудий ички ишлар органлари раҳбарларининг ўринбосарлари — жазони ижро этиш бўлими бошлиғи лавозимлари ҳудудий ички ишлар орган-лари раҳбарларининг пробация ва жазони ижро этиш масалалари бўйича ўринбосари лавозимларига ўзгартирилсин ва улар зиммасига:

ички ишлар органларининг озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлма-

ган жазоларни ижро этиш фаолиятининг самарали ташкил этилиши учун шахсий жавобгарлик;

жазони ижро этиш муассасалари ва пробация бўлинмаларининг фаолиятини ҳамкорликда ва самарали таъминлаш бўйича вазифалар юклансин.

5. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Жазони ижро этиш бош бошқармаси хузуридаги Пробация хизматининг ташкилий тузилмаси 1-иловага\* мувофиқ;

Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси ва вилоятлар ички ишлар бошқармалари пробация бўлимларининг намунавий ташкилий тузилмаси 2-иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

6. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг ахлоқ тузатиш ишлари жазосини ўташдан келиб тушадиган ушланмаларнинг 50 фоизи ҳисобидан шакллантириладиган Пробация хизматини ривожлантириш жамғармасини (кейинги ўринларда — Жамғарма) ташкил этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирига Жамғарма маблағлари ҳисобидан қуйидаги ҳуқуқлар берилсин:

озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларни ўтаётган шахслар сонини ҳисобга олган ҳолда, Жазони ижро этиш бош бошқармасининг асосланган таклифлари бўйича пробация бўлинмалари ходимлари, ишчи ва хизматчиларининг қўшимча штат бирликларини жорий этиш;

пробация бўлинмаларига мутахассис-психологларни, уларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш миқдорини меҳнат бозоридаги амалдаги конъюнктурани ҳисобга олиб белгилаган ҳолда, шартнома асосида жалб этиш;

пробация бўлинмалари ходимлари учун, қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа устама ва тўловлардан қатъи назар, лавозим маошига рағбатлантирувчи фоизли устамалар белгилаш.

Белгилансинки, Жамғарма маблағлари фақат қуйидагилар учун сарфланади:

пробация бўлинмалари моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва ходимларини рағбатлантириш;

пробация бўлинмаларининг бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштирилмайдиган қўшимча киритилган штат бирликларини, шунингдек, шартнома асосида жалб этилган мутахассис-психологларни таъминлаш;

озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларни ўтаётган маҳкумларни, шунингдек, жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилган вояга етмаганларнинг касбий тайёргарлиги бўйича тадбирларни ташкил этиш.

7. Ўзбекистон Республикаси бандлик ва меҳнат муносабатлари вазири, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари зиммасига озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларга ҳукм қилинганларнинг ижтимоий мослашуви ва уларни ишга жойлаштиришда пробация бўлинмаларига ҳар томонлама амалий кўмак-

---

\* 1-2-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

лашиш ва самарали ҳамкорликни ташкил этиш учун шахсий жавобгарлик юклансин.

8. 2019 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикаси жиноят-ижроия қонунчилигини такомиллаштириш концепцияси (кейинги ўринларда — Концепция) 3-иловага мувофиқ маъқуллансин.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Олий суд, Ички ишлар вазирлиги, Адлия вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда:

бир ой муддатда Жиноят-ижроия қонунчилигини такомиллаштириш бўйича идоралараро эксперт гуруҳини (кейинги ўринларда — эксперт гуруҳи), батафсил иш режасини тасдиқлаган ва назорат механизмларини белгилаган ҳолда ташкил этсин;

2020 йил 1 июнга қадар илғор хорижий тажрибани ўрганиш асосида, Концепцияни амалга ошириш натижаларини ҳисобга олган ҳолда, янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия кодексининг лойиҳаси ишлаб чиқилиши ва ўрнатилган тартибда киритилишини таъминласин.

9. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги билан биргаликда уч ой муддатда пробация бўлинмаларини жойлаштириш, уларни замонавий техника ва қурилмалар билан жиҳозлаш, шунингдек, бажараётган вазифаларини ҳисобга олган ҳолда фаолиятини ташкил этиш бўйича зарур чораларни кўрсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги:

бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Жазони ижро этиш бош бошқармаси ҳузуридаги Пробация хизмати тўғрисидаги низомни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда ушбу қарор талабларини ҳисобга олган ҳолда Пробация хизматини ривожлантириш жамғармаси тўғрисидаги Низомни тасдиқласин;

2019 йил 1 январга қадар пробация бўлинмаларининг штат жадвалини, назорат остидагилар билан ишловчи мутахассис-психолог лавозимларини назарда тутган ҳолда, тасдиқласин;

2019/2020 ўқув йилидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академиясида «Жиноий жазоларни ижро этиш фаолияти» мутахассислиги бўйича ўқитишни йўлга қўйсин;

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги билан биргаликда 2019 йил 1 июнга қадар озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларга ҳукм қилинганларнинг ҳисобини юритиш ҳамда назорат қилиш, уларнинг ижтимоий-психологик портретларини умумлаштириш ва фойдаланиш имконини берувчи пробациянинг марказлашган электрон тизимини ишлаб чиқсин ва жорий этсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Бош прокуратура ва Ички ишлар вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда жиноят-ижроия соҳасида илғор хорижий тажрибани ўрганиш, шу жумладан, экс-



перт гуруҳининг хорижий давлатларга ишчи ва танишув сафарларини ташкил этиш, халқаро ташкилотларнинг вакиллари билан учрашув ва музокаралар ўтказишни назарда тутувчи дастурни тасдиқласин.

12. Белгилансинки, ушбу қарорда назарда тутилган тадбирларни амалга ошириш билан боғлиқ харажатлар Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг асосланган ҳисоб-китоблари бўйича ҳар йили ажратиладиган бюджет маблағлари, Ички ишлар вазирлигининг бюджетдан ташқари маблағлари, Жамғарма маблағлари, шунингдек, қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

13. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш. Низомиддинов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Б.М. Мавлонов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2018 йил 7 ноябрь,  
ПҚ-4006-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2018 йил 7 ноябрдаги  
ПҚ-4006-сон қарорига  
3-ИЛОВА

**2019 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикаси  
жиноят-ижроия қонунчилигини такомиллаштириш  
КОНЦЕПЦИЯСИ**

1997 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-ижроия кодекси қонун устуворлиги ва жавобгарликнинг муқаррарлиги таъминлини таъминлаш, маҳкумларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш, улар томонидан қайта жиноят содир этилишининг олдини олиш мақсадида тарбиялаш ва ахлоқан тузатиш учун ҳуқуқий пойдевор бўлиб хизмат қилди.

Сўнги йилларда жазони ижро этиш тизимини такомиллаштириш бўйича қатор чоралар қабул қилинди. Хусусан, маҳкумларнинг ҳуқуқларига сўзсиз риоя этиш, уларнинг шаъни ва кадр-қимматини ҳурмат қилиш, ушбу соҳада коррупция ва мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш ҳолатларига барҳам бериш, жазони ижро этиш муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш бўйича комплекс тадбирлар амалга оширилди.

Жазони ижро этиш тизимида таълим муассасаларининг фаолияти тубдан ислоҳ қилинди, маҳкумларни ўқитиш жараёнига инновацион педагогик

технологиялар жорий этилди, биринчи навбатда, вояга етмаганлар ва касб-хунарга эга бўлмаган маҳкумларни касбий тайёрлаш механизмлари қайта кўриб чиқилди.

Жазони ижро этиш муассасалари фаолиятида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини, маҳкумларни назорат қилишнинг замонавий техника воситаларини, шунингдек, улар учун масофали видео-учрашув ташкил этиш имконини берувчи видеоконференция тизимини жорий этиш ва қўллаш бўйича кенг чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Маҳкумларнинг меҳнат билан бандлигини самарали таъминлаш мақсадида жазони ижро этиш муассасаларида ишлаб чиқариш фаолиятини ривожлантириш бўйича комплекс чора-тадбирлар қабул қилинмоқда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман)нинг жазони ижро этиш фаолиятини мониторинг қилиш борасидаги ваколатлари кенгайтирилди.

Шу билан бирга, жиноят-ижроия амалиёти таҳлили, шунингдек, жамоатчилик билан бевосита мулоқот натижалари қўйидаги ҳуқуқий механизмларни янада такомиллаштириш зарурлигини кўрсатмоқда:

маҳкумлар ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, улар томонидан қайта жиноят содир этилишининг олдини олиш, уларда қонунга итоаткор хулқ-атвори, инсон, меҳнат ва ижтимоий турмуш қоидалари ҳамда анъаналарига ҳурмат муносабатини шакллантириш;

озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларни ижро этиш, шартли ҳукм қилинган ва жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилинган шахсларнинг хулқ-атвори устидан самарали назоратни амалга ошириш;

жазони ижро этиш муассасалари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ўрнатиш, уларнинг жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган шахсларни ижтимоий мослаштиришда фуқаролик жамияти институтлари билан узвий ҳамкорлигини таъминлаш.

Юқоридагилар давлат жиноят-ижроия сиёсатининг қўйидаги асосий жиҳатларни назарда тутувчи мутлақо янги устувор йўналишларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишни талаб этади:

**1. Жиноят-ижроия тизимини такомиллаштириш,  
жиноят-ижроия қонунчилиги нормаларини тизимлаштириш  
ва уйғунлаштириш бўйича чора-тадбирларни янада  
кучайтириш**

1. Жиноят-ижроия қонунчилигини унинг халқаро стандартларга мувофиқлиги нуқтаи назаридан инвентаризация қилиш асосида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар базасини кенгайтириш.

2. Турлича талқин қилинадиган ёки коррупциянинг юзага келишига йўл қўядиган ёхуд уларни қўллаш бўйича тушунтириш талаб этувчи нормалардан воз кечиш, шунингдек, қонун нормаларини тўғридан-тўғри қўллаш амалиётига тўлиқ ўтиш.

3. Жиноят-ижроия қонунчилигида фойдаланиладиган атама ва тушунчаларнинг ҳуқуқий маъносини аниқ ифодалаш ва уларнинг бир хилда қўлланилишини таъминлаш.

4. Жазоларни ва бошқа ҳуқуқий таъсир чораларини ижро этувчи муассасалар ҳамда органлар фаолияти устидан жамоатчилик назоратини таъминлашнинг ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш.

5. Жиноят-ҳуқуқий таъсир чораларининг тамойиллари, тартиби ва шартларини замонавий ёндашувлар, илғор халқаро стандартлар ва хорижий амалиётни ҳисобга олган ҳолда янада такомиллаштириш.

6. Жазони ижро этиш муассасаларида сақланаётган маҳкумларни ҳисобга олишнинг автоматлаштирилган тизимини жорий этиш.

7. Пробация бўлинмаларининг фаолияти, зиммасига юклатилган вазифа ва функцияларни амалга ошириши бўйича механизмлар ва ваколатларининг норматив-ҳуқуқий тартибини белгилаш.

8. Жазони ижро этиш муассасаларида маҳкумларни жамоавий сақлашга муқобил бўлган камера типига сақлаш тартибини жорий этиш.

9. Жазони ижро этиш муассасалари ва пробация бўлинмалари ходимлари фаолиятини баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш.

10. Жиноят-ижроия қонунчилиги нормаларини унификация қилиш.

## **II. Маҳкумларни ахлоқан тузатиш ва улар томонидан қайта жиноят содир этилишининг олдини олиш**

1. Жазо ва бошқа жиноят-ҳуқуқий таъсир чораларини ижро этувчи органлар фаолиятини маҳкумларни ахлоқан тузатиш ва тарбиявий ишлар самарадорлигини таъминлаш нуқтаи назаридан такомиллаштириш.

2. Жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилган шахслар, биринчи навбатда вояга етмаганлар ва ёшларни ижтимоий мослашуви ва ишга жойлашишга ҳар томонлама амалий кўмаклашиш механизмларини жорий этиш.

3. Муайян ҳуқуқдан маҳрум қилинган шахсларни қайта касбий тайёрлашнинг ҳуқуқий асосларини белгилаш.

4. Озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларга ҳукм қилинганлар томонидан қайта жиноят содир этилиши хавфини аниқлаш ва йўл қўймаслик бўйича профилактик чора-тадбирларни амалга ошириш тизимини жорий этиш.

5. Жазони ижро этиш тизимида психологик иш амалиётини кенг қўллаш, маҳкум шахсини унинг ижтимоий-психологик портретини тузган ҳолда ўрганиш.

6. Маҳкумларни ахлоқан тузатишда корхона, ташкилот, муассаса, жамоатчилик тузилмалари ва фуқаролар иштирокининг таъсирчан механизмларини яратиш.

7. Вояга етган маҳкумларни суд қарори асосида умумий тартибли колония, манзил-колония ва тарбия колониясидан пробация бўлинмалари ваколати доирасига ўтказиш тартибини жорий этиш.

8. Маҳкумларни манзил-колонияларда сақлаш тартиби ва шартларини қайта кўриб чиқиш.

9. Маҳкумларга қўлланилган интизомий жазоларнинг автоматлаштирилган ҳисобини, уларнинг хулқ-атвори ва ҳаракатларини назорат қилиш бўйича замонавий техник воситаларни, биринчи навбатда, пробация бўлинмалари фаолиятига босқичма-босқич жорий этиш.

### **III. Маҳкумларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш**

1. Маҳкумларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари ҳимоясини кучайтириш, шу жумладан, тинтув жараёнида жисмоний куч ва махсус воситалар асоссиз қўлланилишига йўл қўймаслик.

2. Жазони ижро этиш муассасаларида маҳкумларнинг шахсий хавфсизлигини таъминлаш бўйича аниқ чора-тадбирларни белгилаш.

3. Озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахсларнинг давлат пенсия таъминоти кафолатини кучайтириш мақсадида, уларнинг иш ҳақидан давлат ижтимоий суғуртасига ажратмалар ўтказишга бўлган чекловни бекор қилиш.

4. Умумэтироф этилган халқаро стандартлар ва илғор хорижий тажрибага мувофиқ маҳкумларнинг ҳуқуқлари доирасини янада кенгайтириш.

5. Маҳкумларни олий ва ўрта махсус таълим муассасаларида масофавий ўқитиш шаклини жорий этиш орқали уларнинг таълим олиши бўйича чекловларни бекор қилиш.

6. Маҳкумларга учрашув бериш ва алмаштиришнинг адолатли ҳамда шаффоф тартиби ва талабларини белгилаш.

7. Маҳкумларни жазони ижро этиш муассасаларига тақсимлаш, уларни бир муассасадан бошқасига ўтказиш, шунингдек, уларга нисбатан қўлланилган интизомий жазолар ҳисобини юритиш жараёнининг шаффофлигини таъминлаш.

8. Маҳкумларнинг кийим-бошларини иқлим шароитлари ва замонавий талабларга мувофиқ қайта кўриб чиқиш.

### **IV. Концепцияни амалга оширишдан кўзланган натижалар**

Жиноят-ижроия қонунчилигини янада такомиллаштириш, ундаги ҳуқуқий бўшлиқ ва зиддиятларни бартараф этиш, миллий хусусиятлар ва шароитларни эътиборга олган ҳолда халқаро стандартлар ва илғор хорижий тажрибани имплементация қилиш.

Бунда қуйидаги мақсадларга эришиш алоҳида аҳамият касб этади:

маҳкумларни ахлоқан тузатиш, уларнинг ҳуқуқларига сўзсиз риоя этиш, шаъни ва қадр-қиммати ҳурмат қилинишини таъминлашнинг ишончли ва самарали механизмларини яратиш;

жиноят-ижроия тизими фаолиятининг шаффофлиги ва ошкоралигини таъминлаш устидан жамоатчилик назоратини такомиллаштириш;

маҳкумларни ахлоқан тузатишда давлат ҳокимияти ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, корхона, ташкилот, муассаса, жамоат бирлашмалари ва фуқароларнинг иштироки институтини кучайтириш;

жазони ижро этиш тизими фаолиятига замонавий шакл ва усулларни ҳамда илғор ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш.

Концепцияни амалга оширишнинг пировард натижаси маҳкумларни ахлоқан тузатиш, уларнинг жиноий фаолиятининг олдини олиш, шунингдек, бошқа шахслар томонидан жиноят содир этилишига чек қўйишнинг самарали тизимини яратиш ҳисобланади.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

### **876 Давлат тиббиёт муассасалари ва соғлиқни сақлашни бошқариш органлари ходимларини моддий рағбатлантиришни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида\***

Мамлакатимизда аҳолига кўрсатиладиган тиббий хизматлар сифатини тубдан оширишга, соғлиқни сақлаш давлат тизимининг кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлашга, тиббиёт муассасаларининг ресурслар салоҳиятини яхшилашга қаратилган соғлиқни сақлашни ислоҳ қилиш юзасидан комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Соғлиқни сақлашнинг миллий тизимини жадал ривожлантириш ишларини тизимли ва сифатли ташкил этиш учун умумий амалиёт врачларининг, патронаж тиббиёт ҳамшираларининг, қишлоқ врачлик пунктлари, шошилинч ва тез тиббий ёрдам хизмати ходимларининг лавозим маошлари оширилди, республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказларида меҳнатни рағбатлантиришнинг бозор усуллари белгиланди.

Тиббиёт ходимлари меҳнатини баҳолашнинг ҳамда улар оладиган иш ҳақи ва мукофотнинг бажариладиган ишнинг мураккаблиги ва кўрсатиладиган тиббий хизмат сифатига аниқ ва бевосита боғлиқлигини таъминлашнинг илғор механизмлари жорий этилди.

Шу билан бирга, мамлакат соғлиқни сақлаш тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш зарур бўлган шароитда тиббиёт соҳасини бошқаришнинг инновацион моделини жорий этиш, тиббиёт ходимларини моддий рағбатлантиришни давом эттириш, уларнинг касбий даражасини ошириш учун муносиб шарт-шароитлар ва рағбатлантирувчи омиллар яратиш масалалари давлатнинг диққат марказида турибди.

---

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 8 ноябрда эълон қилинган.

Давлат тиббиёт муассасалари ва соғлиқни сақлашни бошқариш органлари ходимларини ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтириш, уларнинг моддий манфаатдорлигини ошириш, самарали ишлаши учун муносиб шарт-шароитлар яратиш, юсак профессионал кадрлар салоҳиятини шакллантириш мақсадида:

1. Давлат тиббиёт муассасалари тиббиёт ва фармацевтика ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш миқдорлари 2018 йил 1 декабрдан 1,2 баравар ва 2019 йил 1 апрелдан 1,15 баравар босқичма-босқич оширилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Инновацион соғлиқни сақлаш миллий палатаси Молия вазирлиги ҳамда Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги билан биргаликда халқаро тажрибани ўрганиш асосида 2019 йил 1 июлгача бўлган муддатда тиббиёт ва фармацевтика ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини тубдан қайта кўриб чиқиш бўйича қуйидагиларга йўналтирилган таклифларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин:

давлат тиббиёт муассасалари тиббиёт ва фармацевтика ходимларининг лавозимига ва малакасига, кўрсатиладиган тиббий ёрдамнинг мураккаблиги ва жавобгарлигига, шунингдек, даволаш-профилактика муассасалари ихтисослигига қараб базавий лавозим маошларини жорий этиш;

тиббиёт ходимлари фаолиятини ва меҳнати унумдорлигини баҳолашнинг замонавий усулларини, шу жумладан, даволанган касаллар электрон статистикасини босқичма-босқич татбиқ этиш ва беморлар ўртасида онлайн сўровлар ўтказиш орқали жорий этиш;

тиббиёт ва фармацевтика ходимларини моддий рағбатлантиришнинг амалдаги тартибини тубдан қайта кўриб чиқиш, улар бажарадиган ишлар сифати, эришиладиган натижалар ва кўрсатилган тиббий хизматларга жамоатчилик томонидан берилган баҳоларга қараб уларга ҳақ тўланишини таъминлаш;

тиббиёт муассасалари раҳбарларига алоҳида ўрнатилган кўрсатган врачларга Тиббиёт ташкилотларини моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан тариф ставкасининг 100 фоизигача бўлган миқдорда ҳар ойлик шахсий устамалар белгилаш ҳуқуқини бериш.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

2018 йилда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобига тиббиёт ва фармацевтика ходимлари меҳнатига тўланадиган ҳақ миқдори оширилиши муносабати билан давлат тиббиёт муассасаларининг қўшимча харажатлари молиялаштирилишини, 2019 йилда ва кейинги йилларда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрларини шакллантиришда бюджетдан ажратиладиган зарур маблағлар назарда тутилишини;

2020 йилдан бошлаб Тиббиёт ташкилотларини моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармасини шакллантириш учун ажратиладиган маблағлар ҳажмлари босқичма-босқич оширилишини таъминласин.

4. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Молия вазирлиги ҳамда Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузурида юридик шахс мақомига эга бўлмаган Ривожлантириш ва соғлиқни сақлашни бошқариш органлари ходимларини моддий рағ-

батлантириш жамғармаси (кейинги ўринларда Жамғарма деб юритилади) ташкил этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

5. Қуйидагилар Жамғарма маблағларини шакллантириш манбалари этиб белгилансин:

а) қуйидаги миқдорларда ажратиладиган ажратмалар:

давлат тиббиёт муассасалари томонидан пулли асосда кўрсатилган тиббий хизматлар, шу жумладан, республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари хизматлари учун тушумлар миқдорининг 2 фоизи; олий тиббиёт таълим муассасалари ҳисобварақларида жамланадиган пулли ўқиш контрактлари бўйича тушумлар миқдорининг 5 фоизи;

олий тиббиёт таълим муассасалари ҳисобварақларида жамланадиган ўқиш контрактлари бўйича тушумлар миқдорининг 10 фоизи;

фармацевтика ва тиббиёт фаолияти билан шуғулланиш, шу жумладан, дори-дармонлар ва тиббиёт буюмларини чакана реализация қилиш ҳуқуқига лицензиялар олиш учун талабгорлар томонидан тўланадиган давлат божлари тизимидаги тушумлар миқдорининг 20 фоизи;

б) Жамғарманинг вақтинча бўш маблағларини жойлаштиришдан олинadиган даромадлар;

в) жисмоний ва юридик шахсларнинг хайрия эҳсонлари;

г) қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

6. Белгилансинки, Жамғарманинг маблағларидан:

соғлиқни сақлашни бошқариш органлари ходимларини мукофотлар, моддий ёрдам, қўшимча ҳақлар, устамалар ва рағбатлантирувчи тўловларнинг бошқа турлари тарзида моддий рағбатлантириш ва ижтимоий ҳимоя қилиш чора-тадбирларини молиялаштириш, шунингдек, уларга санатория-курорт ва тиббий хизмат кўрсатилишига ҳақ тўлаш;

уй-жой билан таъминлашни яхшилашга сарфланадиган харажатларни, шу жумладан, соғлиқни сақлашни бошқариш органлари ходимлари ва Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидаги ташкилотларнинг тиббиёт ходимлари учун уй-жойлар қуришни ташкил этиш орқали молиялаштириш;

соғлиқни сақлашни бошқариш органлари ходимларини ўқитиш, уларнинг малакасини ошириш ва амалиёт ўтказишини, шу жумладан, уларнинг хорижий мамлакатларга ташрифлари, Ўзбекистон ҳудудидан ташқарида ўтказиладиган конференциялар, семинарлар ва бошқа тадбирларда иштирок этиши, хизмат сафарига юборилишини ташкил этиш билан боғлиқ харажатларни қоплаш;

соғлиқни сақлашни бошқариш органларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, дастурий маҳсулотлар харид қилиш ва ахборот-коммуникация тармоқларини таъминлаб туриш;

хорижий экспертлар ва консалтинг ташкилотларини жалб қилиш;

олий тиббиёт таълим муассасаларининг иқтидорли талабаларига махсус стипендиялар тўлашга сарфланадиган харажатларни молиялаштириш;

соғлиқни сақлашни бошқариш органларининг кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлашга қаратилган бошқа тадбирлар учун фойдаланилади.

7. Жамғарманинг даромадлари, шу жумладан, вақтинча бўш маблағларни тижорат банкларига жойлаштиришдан фоизлар тарзида олинган даромадлар солиқларнинг барча турларидан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига ва давлат мақсадли жамғармаларига бошқа мажбурий тўловлардан 2021 йил 1 ноябргача озод қилинсин.

8. Қўйидагиларнинг:

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.А. Абдухакимовнинг — тиббиёт ва фармацевтика ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тизимининг тубдан қайта кўриб чиқилиши бўйича таклифларни тайёрлашда масъул вазирликлар ва идоралар ишининг амалда мувофиқлаштирилиши учун;

Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири А.К. Шадмановнинг — Жамғарма маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланилиши, шунингдек, ушбу қарорга мувофиқ соғлиқни сақлашни бошқариш органлари ходимларининг ижтимоий ҳимояланганлигини кучайтириш ва уларни моддий рағбатлантириш шартларини такомиллаштириш учун шахсан масъул эканлиги кўрсатиб ўтилсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги:

Ривожлантириш ва соғлиқни сақлашни бошқариш органлари ходимларини моддий рағбатлантириш жамғармаси тўғрисидаги низомни бир ой муддатда ишлаб чиқсин ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишган ҳолда белгиланган тартибда тасдиқласин, шу жумладан, Жамғарма маблағларини сарфлашнинг аниқ ва шаффоф тартибини, унинг даромадлари ва харажатлари бўйича ҳисобот бериш масалаларини назарда тутсин;

тиббиёт ва фармацевтика ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тизими такомиллаштирилиши муносабати билан тиббиёт муассасаларида врачликдан бошқа фаолиятни бажараётган олий маълумотли мутахассислар лавозимлари номенклатурасини қайта кўриб чиқсин;

манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида таклифлар киритсин.

10. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш. Низомиддинов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари А.А. Абдухакимов ва Ж.А. Қўчқоров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2018 йил 7 ноябрь,  
ПҚ-4007-сон



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ**877 Ўзбекистон Республикаси ҳудудида хорижий давлатларнинг малакали мутахассислари томонидан меҳнат фаолиятини амалга ошириши учун қулай шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида\***

Ўтган давр мобайнида Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг хориждаги, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг (кейинги ўринларда — чет эл фуқаролари деб юритилади) республикадаги меҳнат фаолиятини тартибга солиш мақсадида мамлакатдан чиқиш ва унга киришни ташкил этиш тизими ва механизмларини тартибга солиш, шунингдек, меҳнат органларининг фаолиятини ривожлантириш бўйича муайян ишлар амалга оширилди.

Шу билан бирга, хорижий мигрантларнинг кириб келишига танловга оид ёндашувга асосланган дифференциялаштирилган иммиграция сиёсатига қаратилган зарур чоралар кўрилмади. Ўз ўрнида, мутахассисларнинг тадқиқотлари шунки кўрсатадики, малакали хорижий менежерларни жалб қилишдаги тўсиқларнинг бартараф этилиши ялпи ички маҳсулотни хорижий инвестициялар кириб келиши ҳисобига ошганига қараганда янада кўпроқ ошишига олиб келади.

Шунга кўра, ўтказилган тадқиқот натижалари мамлакатга малакали меҳнат ресурсларининг кириб келишига тўсқинлик қилувчи бир қатор тизимли муаммо ва камчиликлар мавжудлигидан далолат бермоқда. Хусусан:

биринчидан, чет эллик кадрларни малака тоифалари бўйича ҳуқуқий чегаралашнинг мавжуд эмаслиги, шунингдек, ҳар бир малака ўзига хослигининг тартибга солинмаганлиги тор доирадаги чет эллик мутахассисларни жалб қилиш бўйича чора-тадбирларни юқори самарадорликда амалга ошириш имкониятини бермаяпти;

иккинчидан, чет эл фуқароларига Ўзбекистон Республикасида меҳнат фаолиятини амалга оширишларига рухсат беришнинг икки босқичли тартиб-таомилларининг мавжудлиги ҳозирги замон талабларига жавоб бермайдиган жиддий бюрократик тўсиқ бўлиб қолмоқда;

учинчидан, Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузуридаги Ташқи меҳнат миграцияси агентлигининг мамлакатга хорижий ишчи кучини жалб қилиш соҳасида комплекс жиҳатдан тартибга солинган вазифаларининг мавжуд эмаслиги ушбу соҳани ривожлантиришга ҳар томонлама ва самарали кўмаклашишга имкон бермаяпти;

тўртинчидан, малакали чет эл фуқароларини рағбатлантириш бўйича самарали механизмларнинг мавжуд эмаслиги, шунингдек, талаб юқори бўлган мутахассисларга нисбатан афзаллик режимини қўллаш амалиётининг йўлга қўйилмаганлиги уларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида меҳнат фаолиятини амалга оширишга бўлган қизиқишининг ошишига ёрдам бермаяпти.

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 8 ноябрда эълон қилинган.

Малакали чет эллик мутахассислар томонидан меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун қулай шароитлар яратиш, Ўзбекистон Республикасининг инвестициявий жозибadorлигини ошириш ва уни мутлақо янги поғонага кўтариш ҳамда рақобатбардош меҳнат ресурсларини жалб қилишни рағбатлантириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузуридаги Ташқи меҳнат миграцияси агентлигига қуйидаги қўшимча вазифалар юклансин:

малакали чет эллик мутахассисларни жалб қилиш соҳасида яқин халқаро ҳамкорликни ташкил қилиш;

малакали чет эллик мутахассисларга уларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида меҳнат қилиш ҳуқуқини рўёбга чиқаришларига ҳар томонлама кўмаклашиш;

малакали чет эллик мутахассисларнинг электрон маълумотлар базасини юритиш;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чет эл фуқароларининг меҳнат фаолиятини амалга оширишининг мунтазам таҳлили ва мониторингини ўтказиб бориш;

меҳнат миграцияси соҳасидаги муаммоларни ўрганиш, ушбу соҳани такомиллаштириш бўйича аниқ таклифларни ишлаб чиқиш йўли билан бўшлиқ ва камчиликларни аниқлаш.

2. Белгилансинки, 2018 йил 1 декабрдан бошлаб:

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида меҳнат фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи тасдиқномаларни (кейинги ўринларда — тасдиқнома деб юритилади) олиш (бериш) бўйича ягона тартиб-таомилни сақлаган ҳолда юқори малакали ва малакали чет эллик мутахассисларга нисбатан хорижий ишчи кучини жалб қилишга рухсатномаларни олиш (узайтириш) зарурияти ҳақидаги талаб бекор қилинади;

юқори малакали чет эллик мутахассисларга тасдиқномаларни расмийлаштириш ва бериш (узайтириш) учун энг кам ойлик иш ҳақининг 1 баравари миқдорида, малакали чет эллик мутахассисларга — энг кам ойлик иш ҳақининг 2 баравари миқдорида тўлов ундирилади;

юқори малакали ва малакали чет эллик мутахассисларга берилган тасдиқномаларнинг амал қилиш муддати ариза берувчининг истагига кўра улар берилган кундан бошлаб чексиз миқдорда, бироқ ҳар бир ҳолатда 3 йилдан ортиқ бўлмаган муддатгача узайтириш имконияти билан 3 йилгача бўлган муддатни ташкил қилади.

3. Шундай тартиб жорий этилсинки, унга кўра:

а) юқори малакали мутахассислар деб қуйидаги чет эл фуқаролари тан олинади:

рўйхати Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекциясининг қўшма қарори билан тасдиқланадиган халқаро этироф этилган ташкилотларнинг рейтингида олий таълим муассасалари орасида биринчи 1 000 ўринни эгаллайдиган олий таълим муассасаларини битирган;

этироф этилган мутахассислик ёки дипломдаги мутахассислик бўйича 5 йилдан кам бўлмаган иш тажрибасига эга бўлган;

Ўзбекистон Республикасида меҳнат фаолиятига жалб қилиш шартлари йилига 60 минг АҚШ доллари эквивалентидан кам бўлмаган суммада иш ҳақи (мукофот) олишни назарда тутувчи;

б) малакали мутахассислар деб қуйидаги чет эл фуқаролари тан олинади: олий маълумотга эга бўлган;

этироф этилган мутахассислик ёки дипломдаги мутахассислик бўйича 5 йилдан кам бўлмаган иш тажрибасига эга бўлган;

Ўзбекистон Республикасида меҳнат фаолиятига жалб қилиш шартлари йилига 30 минг АҚШ доллари эквивалентидан кам бўлмаган суммада иш ҳақи (мукофот) олишни назарда тутувчи;

в) юқори малакали ва малакали мутахассислар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ўриндошлик асосида ишлаш учун тасдиқнома олмасдан ўриндошлик асосида ишлаш ҳуқуқига эгадирлар;

г) юқори малакали ва малакали мутахассисларга кўп маротабали меҳнат визаси меҳнат ёки фуқаролик-ҳуқуқий шартномаси амал қиладиган, бироқ 3 йилдан кўп бўлмаган муддатга берилади;

д) юқори малакали ва малакали мутахассисларга берилган меҳнат визаларининг амал қилиш муддатини узайтириш уларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарига чиқиш заруриятисиз меҳнат ёки фуқаролик-ҳуқуқий шартномаси амал қиладиган, бироқ ҳар бир ҳолатда 3 йилдан кўп бўлмаган муддатга берилади;

е) юқори малакали мутахассисларга ва уларнинг оила аъзоларига хоҳишига кўра меҳнат ёки фуқаролик-ҳуқуқий шартномаси амал қиладиган муддатга яшаш гувоҳномаси расмийлаштирилади;

ж) иш берувчи билан шартнома муддатидан олдин бекор қилинганда юқори малакали ва малакали мутахассислар 30 иш кун ичида бошқа иш берувчини қидириш ҳуқуқига эгадирлар, бу муддат давомида уларга берилган тасдиқномалар, визалар ва яшаш гувоҳномалари ўз кучини сақлаб қолади.

4. Ички ишлар органлари, меҳнат органлари, Ўзбекистон Республикасининг чет элдаги консуллик муассасалари ва дипломатик ваколатхоналари, бошқа давлат органлари ва ташкилотларининг мансабдор шахслари ва масъул ходимлари ушбу қарорнинг 2-3-бандларида назарда тутилган талабларга сўзсиз риоя қилишлари ҳақида, шунингдек, визалар бериш (узайтириш), яшаш гувоҳномаларини расмийлаштириш, чет эл фуқароларини доимий (вақтинчалик) рўйхатга олиш муддатлари бузилишига йўл қўймаслик ҳақида қатъий огоҳлантирилсин.

5. Белгилансинки:

а) 2018 йил 1 декабрдан бошлаб инвестиция киритиш вақтида Ўзбекистон Республикасида ўрнатилган энг кам ойлик иш ҳақининг 8 500 бараваридан кам бўлмаган миқдорда хўжалик жамиятларининг акциялари ва улушларини сотиб олиш, шунингдек, хорижий корхона ташкил этиш шаклида Ўзбекистон Республикасига инвестиция киритган чет эл фуқаролари ҳеч қандай рухсат берувчи тартиб-таомилларни ўтамаган ҳолда мазкур ташки-

лотнинг исталган лавозимида меҳнат фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқига эга;

б) 2019 йил 1 январдан бошлаб юқори малакали мутахассислардан жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи белгиланган ставканинг 50 фоизи миқдоридан ундирилади. Ходимнинг айбли ҳаракатлари натижасида меҳнат ёки фуқаролик-ҳуқуқий шартномаси муддатидан олдин бекор қилинган тақдирда, мазкур кичик бандга мувофиқ қўлланилган солиқ имтиёзига асосан тўланмаган солиқ суммаси Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига ходимдан ундирилади.

Мазкур кичик банднинг талаблари норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида чет эл фуқароларига бошқа янада қулайроқ тартиб белгиланган ҳолатларга нисбатан татбиқ этилмайди.

6. Белгилансинки, рўйхати Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекциясининг қўшма қарори билан ҳар йили тасдиқланадиган халқаро эътироф этилган ташкилотларнинг рейтингда олий таълим муассасалари орасида биринчи 1 000 ўринни эгаллаган олий таълим муассасалари битирувчиларининг таълим тўғрисидаги ҳужжатларини нострификациялаш (эквивалентлигини қайд этиш) тўғридан-тўғри (махсус синовларсиз) амалга оширилади.

7. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги ҳамда Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда уч ойлик муддатда, шу жумладан, қуйидагиларни назарда тутувчи Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасида чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқий мақоми тўғрисида»ги қонуни лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин:

чет эл фуқаролари, юқори малакали ва малакали мутахассислар тушунчаси ва ҳуқуқий мақомини белгилашни;

чет эл фуқаролари томонидан маъмурий ва фуқаролик-ҳуқуқий тартиб-таомиллардан ўтишнинг ҳамда меҳнат муносабатлари соҳасида давлат органлари ва бошқа ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлик қилишнинг шаффоф ва очиқ тартибини;

чет эл фуқароларининг давлат хизматларидан кенг фойдаланиш имкониятини;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чет эл фуқароларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг самарали механизмини яратишни.

8. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги билан биргаликда уч ой муддатда бир неча халқаро тилларда (инглиз, немис, араб, хитой, рус ва бошқалар) ишлайдиган Ўзбекистон Республикасига кириш ва ундан чиқиш тартиб-таомиллари, виза, яшаш гувоҳномаси олиш, рўйхатга туриш, прописка қилиниш тартиби, солиқ солиш механизмлари ва меҳнат муносабатлари хусусиятлари, чет эл фуқаролари учун имтиёз ва преференциялар бўйича батафсил ахборотни назарда тутувчи ҳамда

иш ва уй-жой излаш бўйича тавсияларни ўз ичига оловчи махсус ахборот порталини ишлаб чиқсин ва амалиётга жорий этсин.

Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси махсус портални доимий равишда техник қўллаб-қувватлаш ва ахборот билан таъминлашни ташкил этсин.

Чора-тадбирларни молиялаштириш манбаи этиб қўйидагилар белгилансин:

махсус портални яратиш бўйича — Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармаси маблағлари;

махсус портални доимий равишда техник қўллаб-қувватлаш ва ахборот билан таъминлаш бўйича — Ўзбекистон Республикасининг Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари.

9. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва оммавий ахборот воситалари, шу жумладан, электрон оммавий ахборот воситаларига Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги ва бошқа тегишли вазирлик ва идораларнинг маслаҳати кўмагида чет эллик шахсларни ишга жойлаштиришни самарали ташкил қилиш соҳасида мамлакатда олиб борилаётган ислохотларни кенг ёритиш, шунингдек, ушбу йўналишда амалга оширилаётган чора-тадбирлар ва қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмуни ва моҳиятини тушунтириш ишларини ташкил қилиш тавсия этилсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ойлик муддатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига:

Ўзбекистон Республикасида хорижий ишчи кучларини жалб қилиш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги янгиланган Низомни тасдиқлаш бўйича қарор лойиҳасини;

қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги таклифларни киритсин.

11. Вазирлик ва идоралар бир ойлик муддатда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

12. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш. Низомиддинов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Б.М. Мавлонов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2018 йил 7 ноябрь,  
ПҚ-4008-сон

## УЧИНЧИ БЎЛИМ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

**878** Вазирлар Маҳкамасининг «Судьяларга, Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси, прокуратура органлари, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти, давлат солиқ хизмати ва давлат божхона хизмати органлари ходимларига имтиёзли шартларда уй-жой сотиб олишга узоқ муддатли ипотека кредитлари бериш тартиби тўғрисидаги низомни ҳамда судьяларга, Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси, прокуратура органлари, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти, давлат солиқ хизмати ва давлат божхона хизмати органлари ходимларига уй-жойларни ижарага олганлик (ижарага турганлик) учун ҳар ойлик пул компенсацияси тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 2012 йил 31 октябрдаги 312-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида\*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Суд-ҳуқуқ тизимини янада такомиллаштириш ва суд ҳокимияти органларига ишончни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 13 июлдаги ПФ-5482-сон Фармонида мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Судьяларга, Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси, прокуратура органлари, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти, давлат солиқ хизмати ва давлат божхона хизмати органлари ходимларига имтиёзли шартларда уй-жой сотиб олишга узоқ муддатли ипотека кредитлари бериш тартиби тўғрисидаги низомни ҳамда судьяларга, Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси, прокуратура органлари, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти, давлат солиқ хизмати ва давлат божхона хизмати органлари

---

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 6 ноябрда эълон қилинган.

ходимларига уй-жойларни ижарага олганлик (ижарага турганлик) учун ҳар ойлик пул компенсацияси тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 2012 йил 31 октябрдаги 312-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2012 й., 10-сон, 78-модда) иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирнинг ўринбосари — молия вазири Ж.А. Қўчқоров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**

**А. АРИПОВ**

Тошкент ш.,  
2018 йил 5 ноябрь,  
908-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2018 йил 5 ноябрдаги 908-сон қарорига  
ИЛОВА

**Вазирлар Маҳкамасининг «Судьяларга, Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси, прокуратура органлари, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти, давлат солиқ хизмати ва давлат божхона хизмати органлари ходимларига имтиёзли шартларда уй-жой сотиб олишга узоқ муддатли ипотека кредитлари бериш тартиби тўғрисидаги низомни ҳамда судьяларга, Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси, прокуратура органлари, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти, давлат солиқ хизмати ва давлат божхона хизмати органлари ходимларига уй-жойларни ижарага олганлик (ижарага турганлик) учун ҳар ойлик пул компенсацияси тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 2012 йил 31 октябрдаги 312-сон қарорига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Номи қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

**«Судьяларга, суд органлари ходимларига, Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси, прокуратура органлари, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти, давлат солиқ хизмати ва давлат божхона хизмати органлари ходимларига имтиёзли шартларда уй-жой сотиб олишга узоқ муддатли ипотека кредитлари бериш тартиби тўғрисидаги низомни ҳамда судьяларга, суд органлари ходимларига, Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси, прокуратура органлари, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти, давлат солиқ хизмати ва давлат божхона хизмати органлари ходимларига уй-жойларни ижарага олганлик (ижарага турганлик) учун ҳар ойлик пул компенсацияси тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида».**

Муқаддима қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Суд тизими ходимларини ижтимоий муҳофаза қилишни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида» 2012 йил 2 августдаги ПФ-4459-сон ва «Солиқ маъмуриятчилигини тубдан такомиллаштириш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг йиғилувчанли-



гини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 18 июлдаги ПФ–5116-сон, «Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 10 августдаги ПФ–5147-сон, «Суд-ҳуқуқ тизимини янада такомиллаштириш ва суд ҳокимияти органларига ишончни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 13 июлдаги ПФ–5482-сон фармонларига, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари ходимларини моддий рағбатлантириш ва ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2013 йил 13 ноябрдаги ПҚ–2065-сон, «Судлар ва адлия органлари фаолиятини моддий-техник ва молиявий таъминлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида» 2017 йил 23 августдаги ПҚ–3240-сон қарорларига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**;

1-бандда:

иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Судьяларга, суд органлари ходимларига, Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси, прокуратура органлари, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти, давлат солиқ хизмати ва давлат божхона хизмати органлари ходимларига имтиёзли шартларда уй-жой сотиб олишга узоқ муддатли ипотека кредитлари бериш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ»;

учинчи хатбошисидаги «Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти,» сўзлари «прокуратура органлари, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти,» сўзлари билан алмаштирилсин.

2. 1-иловада:

номи қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«Судьяларга, суд органлари ходимларига, Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси, прокуратура органлари, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти, давлат солиқ хизмати ва давлат божхона хизмати органлари ходимларига имтиёзли шартларда уй-жой сотиб олишга узоқ муддатли ипотека кредитлари бериш тартиби тўғрисида НИЗОМ»;**

1-бандда:

биринчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«1. Мазкур Низом «Ипотека тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Суд тизими ходимларини ижтимоий муҳофаза қилишни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида» 2012 йил 2 августдаги ПФ–4459-сон, «Солиқ маъмуриятчилигини тубдан такомиллаштириш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг

йиғилувчанлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 18 июлдаги ПФ–5116-сон, «Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 10 августдаги ПФ–5147-сон, «Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона хизмати органлари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 12 апрелдаги ПФ–5414-сон, «Суд-ҳуқуқ тизимини янада такомиллаштириш ва суд ҳокимияти органларига ишончни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 13 июлдаги ПФ–5482-сон фармонларига, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари ходимларини моддий рағбатлантириш ва ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2013 йил 13 ноябрдаги ПҚ–2065-сон, «Судлар ва адлия органлари фаолиятини моддий-техник ва молиявий таъминлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида» 2017 йил 23 августдаги ПҚ–3240-сон қарорларига мувофиқ тижорат банклари томонидан судьяларга, Конституциявий суд, Судьялар олий кенгаши, Олий суд, қўйи судлар аппаратлари, Ўзбекистон Республикаси Олий суди ҳузуридаги Судлар фаолиятини таъминлаш департаменти ва унинг ҳудудий бўлимлари (кейинги ўринларда суд органлари деб аталади), Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси, прокуратура органлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти (кейинги ўринларда прокуратура органлари деб аталади) ва давлат солиқ хизмати ва давлат божхона хизмати органлари ходимларига имтиёзли шартларда уй-жой сотиб олишга узоқ муддатли ипотека кредити бериш тартибини белгилайди»;

иккинчи хатбошига «судьяларига (кейинги ўринларда судьялар деб аталади)» сўзларидан кейин «суд органлари» сўзлари қўшилсин;

2-бандга «судьяларга» сўзидан кейин «суд органлари» сўзлари қўшилсин;

5-банднинг биринчи хатбошига «судьянинг» сўзидан кейин «суд органлари» сўзлари қўшилсин;

7-бандга «судьяларга» сўзидан кейин «суд органлари» сўзлари қўшилсин;

7<sup>1</sup>-бандга «Ипотека кредитлари» сўзларидан кейин «судьяларга, суд органлари» сўзлари қўшилсин;

10-бандда:

биринчи хатбошига «Судья» сўзидан кейин «суд органлари» сўзлари қўшилсин;

иккинчи хатбошига «судьянинг» сўзларидан кейин «суд органлари» сўзлари қўшилсин;

II боб номида «Судьяларнинг» сўзидан кейин «ва суд органлари ходимларининг» сўзлари қўшилсин;

11-бандга «судьянинг» сўзидан кейин «суд органлари ходимининг» сўзлари қўшилсин;

12-банд қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

«12. Жамғарма маблағлари ҳисобидан дастлабки бадални ўтказиш учун

судья, суд органлари ходими иш жойида тегишли равишда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши раиси, Ўзбекистон Республикаси Олий суди ҳузуридаги Судлар фаолиятини таъминлаш департаменти директори (кейинги ўринларда суд органи раҳбари деб аталади) номига қарз бериш тўғрисидаги ариза билан муурожаат қилади.

Судья, суд органлари ходими Жамғарма маблағлари ҳисобидан қарз бериш тўғрисидаги ариза билан бирга қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

судьянинг, суд органлари ходимининг ва у билан бирга яшайдиган оила аъзоларининг даромадлари тўғрисида охириги 12 ой учун доимий иш жойидан берилган маълумотномалар ёки судьянинг, суд органлари ходимининг ва унинг оила аъзоларининг охириги 12 ой учун даромадлари тўғрисидаги декларацияларнинг уларнинг яшаш жойидаги давлат солиқ органи томонидан тасдиқланган нусхалари;

судьянинг, суд органлари ходимининг оиласи таркиби тўғрисида яшаш жойидан берилган маълумотнома ва унинг паспорти нусхаси;

судьяни, суд органлари ходимини тайинлаш (сайлаш) тўғрисидаги тегишли қарор (буйруқ)нинг нусхаси»;

13-банддаги «суд раиси» сўзлари «суд органи раҳбари» сўзлари билан алмаштирилсин;

14 ва 15-бандлар қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«14. Суд органи раҳбарининг илтимосномаси ва ушбу Низомнинг 12-бандида кўрсатилган барча ҳужжатлар олингандан кейин Ўзбекистон Республикаси Олий суди ҳузуридаги Судлар фаолиятини таъминлаш департаменти (кейинги ўринларда Департамент деб аталади) ўрганиш ва текшириш натижаларига кўра Жамғарманинг Кузатувчи кенгашига дастлабки бадал учун қарз бериш мумкинлиги тўғрисида хулоса киритади.

15. Жамғарманинг Кузатувчи кенгаши суд органи раҳбарининг илтимосномасини, Жамғарма маблағлари ҳисобидан қарз бериш тўғрисидаги аризани, унга илова қилинган барча ҳужжатларни ва Департаментнинг хулосасини кўриб чиқиб аризани қаноатлантириш ёки рад этиш сабабларини кўрсатган ҳолда қаноатлантиришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади. Департамент томонидан хулоса бериш ва Жамғарманинг Кузатувчи кенгаши томонидан қарор қабул қилиш муддати суд органи раҳбари томонидан Жамғарма маблағлари ҳисобидан қарз бериш тўғрисидаги ариза ва ушбу Низомнинг 12-бандида кўрсатилган барча ҳужжатлар илова қилинган илтимоснома тақдим этилган кундан бошлаб ўн беш иш кунидан ошмаслиги керак»;

16-банднинг биринчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«16. Жамғарманинг Кузатувчи кенгаши томонидан ижобий қарор қабул қилинган тақдирда Департамент бу тўғрида зудлик билан суд органи раҳбарини ёзма равишда хабардор қилади ва судья ёки суд органи ходими билан қарз шартномаси тузилади»;

17-бандда:

биринчи хатбошига «судьянинг» сўзидан кейин «ёки суд органи ходимининг» сўзлари қўшилсин;

иккинчи хатбошига «судья» сўзидан кейин «ёки суд органи ходими» сўзлари қўшилсин;

18-банд қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

«18. Жамғарманинг Кузатувчи кенгаши томонидан Жамғарма маблағлари ҳисобидан қарз бериш тўғрисидаги аризани қаноатлантиришни рад этиш ҳақида қарор қабул қилинган тақдирда Департамент бу тўғрида зудлик билан суд органи раҳбарини ёзма равишда хабардор қилади. Хабарномада маблағ беришни рад этиш сабаблари кўрсатилиши керак.

Қуйидагилар рад этиш сабаблари бўлиши мумкин:

судья ёки суд органи ходими томонидан зарур тарзда расмийлаштирилмаган ҳужжатлар тақдим этилса;

судья ёки суд органи ходими томонидан тақдим этилган ҳужжатларда ишончсиз ёки нотўғри маълумотлар мавжуд бўлса;

Жамғарма маблағлари етишмаса.

Суд органи раҳбари Департаментдан хабарнома олинган кундан бошлаб бир кун муддатда судьяга ёки суд органи ходимига Жамғарманинг Кузатувчи кенгаши қарорини еткази;

19-бандда:

биринчи хатбошига «Судья» сўзидан кейин «ёки суд органи ходими» сўзлари қўшилсин;

тўртинчи хатбошига «судьянинг» сўзидан кейин «ёки суд органи ходимининг» сўзлари қўшилсин;

олтинчи хатбошига «Судьялар» сўзидан кейин «ва суд органлари ходимлари» сўзлари қўшилсин;

20-бандда:

биринчи хатбошига «судья» сўзидан кейин «суд органлари» сўзлари қўшилсин;

иккинчи хатбошига «судьянинг» сўзидан кейин «суд органлари» сўзлари қўшилсин;

учинчи хатбошига «судьянинг» сўзидан кейин «суд органлари» сўзлари қўшилсин;

тўртинчи хатбошига «судьянинг» сўзидан кейин «суд органлари» сўзлари қўшилсин;

бешинчи хатбошига «тайинлаш (сайлаш) тўғрисидаги тегишли қарорнинг» сўзларидан кейин «суд органлари» сўзлари қўшилсин;

21-бандга «Судья» сўзидан кейин «суд органлари» сўзлари қўшилсин;

23-бандга «судья» сўзидан кейин «суд органлари» сўзлари қўшилсин;

26-бандда:

иккинчи хатбошига «судьяни» сўзидан кейин «суд органлари» сўзлари қўшилсин;

тўртинчи хатбошига «судья» сўзидан кейин «суд органлари» сўзлари қўшилсин;

27-бандга «судьяга» сўзидан кейин «суд органлари» сўзлари қўшилсин;

28-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«28. Якка тартибдаги уй-жойни ёки кўп квартирали уйдаги квартирани сотиб олиш учун ипотека кредити бериш тижорат банки томонидан судья, Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси, суд органлари, прокуратура, давлат солиқ хизмати органлари ва давлат божхона хизмати органлари ходимлари номига алоҳида ссуда ҳисоб рақами очиш ҳамда ушбу ҳисоб рақамидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган якка тартибдаги уй-жой ёки кўп квартирали уйдаги квартиранинг олди-сотди шартномаси нусхаси илова қилинган ҳолда судьянинг, Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси, суд органлари, прокуратура, давлат солиқ хизмати ва давлат божхона хизмати органлари ходимларининг ёзма топшириқномаси асосида, сотувчининг (мулкдорнинг) омонат ҳисоб рақамига пул маблағларини нақд пулсиз шаклда мемориал ордер воситасида ўтказиш йўли билан амалга оширилади»;

29-бандда:

биринчи хатбошига «Судья» сўзидан кейин «суд органлари» сўзлари қўшилсин;

тўртинчи хатбошига «судьянинг» сўзидан кейин «суд органлари» сўзлари қўшилсин;

бешинчи хатбошига «Судья» сўзидан кейин «суд органлари» сўзлари қўшилсин;

30-банднинг биринчи хатбошига «судьялар» сўзидан кейин «суд органлари» сўзлари қўшилсин;

31-бандга «судья» сўзидан кейин «суд органлари» сўзлари қўшилсин;

32-бандга «Судья» сўзидан кейин «суд органлари» сўзлари қўшилсин.

3. 2-иловада:

номида «Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти» сўзлари билан алмаштирилсин;

1-банднинг биринчи хатбошисида «Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти» сўзлари билан алмаштирилсин;

3-банди қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«3. Судьяга, Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси, суд органлари, прокуратура, давлат солиқ хизмати органлари ва давлат божхона хизмати органлари ходимига пул компенсацияси тўлаш судья, суд органлари, прокуратура, давлат солиқ хизмати ва давлат божхона хизмати органлари ходими тайинланган жойга келгандан (сайлангандан) кейин уй-жой ижарага олинган (ижарада турган) кундан бошлаб белгиланган тартибда расмийлаштирилган уй-жойни ижарага олиш (ижарада туриш) шартномаси асосида амалга оширилади. Судьяга, Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси, суд

органлари, прокуратура, давлат солиқ хизмати ва давлат божхона хизмати органлари ходимига тайинланган (сайланган) жойида хизмат уй-жой майдони берилган тақдирда ёки у уй-жой сотиб олганда, унинг ваколатлари тўхтатилганда ва тугаганда пул компенсацияси тўлаш тўхтатилади»;

4-банд қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«4. Судьяга ва суд органлари ходимига тайинланган (сайланган) жойида хизмат уй-жой майдони берилган тақдирда ёки улар уй-жой сотиб олганда улар бир ҳафта муддатда тегишли равишда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, Олий суди, Судьялар олий кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий суди ҳузуридаги Судлар фаолиятини таъминлаш департаменти, Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Одил судлов муаммоларини ўрганиш тадқиқот маркази ва Ўзбекистон Республикаси Олий суди ҳузуридаги Судлар фаолиятини таъминлаш департаментининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўйича тегишли ҳудудий бўлими (кейинги ўринларда тегишли органлар деб аталади) бухгалтериясига пул компенсацияси тўлашни тўхтатиш тўғрисида ариза бериши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси ходимига хизмат турар жойи берилган ёки у Тошкент шаҳрида турар жой сотиб олган тақдирда у бир ҳафта муддатда Ўзбекистон Республикаси Администрацияси молия-хўжалик департаментига (кейинги ўринларда тегишли орган деб аталади) пул компенсацияси тўлашни тўхтатиш тўғрисида ариза беради.

Прокуратура органлари ходимига хизмат уй-жойи берилганда ёки у тайинланган (сайланган) жойида уй-жой сотиб олганда у бир ҳафта муддатда тегишли равишда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар прокуратураси ҳамда уларга тенглаштирилган прокуратуралар, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти ва унинг ҳудудий бошқармалари (кейинги ўринларда тегишли органлар деб аталади) бухгалтериясига пул компенсацияси тўлашни тўхтатиш тўғрисида ариза бериши шарт.

Давлат солиқ хизмати органлари ходимига хизмат уй-жойи берилганда ёки у тайинланган жойида уй-жой сотиб олганда у бир ҳафта муддатда тегишли равишда Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри Давлат солиқ бошқармалари (кейинги ўринларда тегишли органлар деб аталади) бухгалтериясига пул компенсацияси тўлашни тўхтатиш тўғрисида ариза бериши шарт.

Давлат божхона хизмати органлари ходимига хизмат уй-жойи берилганда ёки у тайинланган жойида уй-жой сотиб олганда у бир ҳафта муддатда тегишли равишда Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси, Давлат божхона қўмитасининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар бўйича бошқармалари, «Тошкент-АЭРО» ихтисослаштирилган божхона комплекси, Олий ҳарбий божхона институти, Миллий кинология маркази (кейинги ўринларда тегишли органлар деб аталади) бухгалтериясига пул компенсацияси тўлашни тўхтатиш тўғрисида ариза бериши шарт».

6-бандда:

биринчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«6. Судья, Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси, суд органлари ходимлари ва прокуратура, давлат солиқ хизмати ва давлат божхона хизмати органлари ходимлари пул компенсациясини олиш учун вақтинча яшаш жойини ва уй-жойни ижарага олганлик (ижарада турганлик) учун коммунал хизматлар қийматисиз амалдаги харажатлар суммасини кўрсатган ҳолда тегишли орган раҳбарига ариза беради»;

учинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«судьяни, Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси ходимини тайинлаш (сайлаш) тўғрисидаги қарорнинг нусхаси, суд органлари ходимини, прокуратура, давлат солиқ хизмати ва давлат божхона хизмати органлари ходимини лавозимга тайинлаш тўғрисидаги буйруқнинг нусхаси».

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

### **879 Назорат қилувчи органлар мансабдор шахсларини тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текшириш ҳуқуқини бериш юзасидан аттестациядан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида\***

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 27 июлдаги ПФ–5490-сон Фармонини ижро этиш юзасидан, шунингдек, мансабдор шахслар томонидан тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текширишда қонунчилик бузилиши ҳолларининг олдини олиш ва уларга барҳам бериш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Назорат қилувчи органлар мансабдор шахсларини тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текшириш ҳуқуқини бериш юзасидан аттестациядан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Назорат қилувчи органлар:

бир ой муддатда тегишли назорат қилувчи органлар мансабдор шахсларини уларга тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текшириш ҳуқуқини бериш учун аттестациядан ўтказиш бўйича аттестация комиссияларини ташкил этсинлар;

аттестация назорат қилувчи органлар мансабдор шахсларини тадбиркор-

---

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 8 ноябрда эълон қилинган.

лик субъектлари фаолиятини текшириш ҳуқуқини бериш юзасидан аттестациядан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомда белгиланган талаблардан келиб чиқиб юксак талабчанлик, принципааллик ва ўз касбини билиш холисона баҳоланиши вазиятида ўтказилишини таъминласинлар.

3. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда улар қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — молия вазири Ж.А. Қўчқоров ва адлия вазири Р.К. Давлетов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**

**А. АРИПОВ**

Тошкент ш.,  
2018 йил 7 ноябрь,  
920-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2018 йил 7 ноябрдаги 920-сон қарорига  
ИЛОВА

**Назорат қилувчи органлар мансабдор шахсларини  
тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текшириш ҳуқуқини  
бериш юзасидан аттестациядан ўтказиш тартиби тўғрисида  
НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом назорат қилувчи органлар мансабдор шахсларини тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текшириш ҳуқуқини бериш юзасидан аттестациядан (кейинги ўринларда аттестация деб аталади) ўтказиш тартибини белгилайди.

2. Аттестация назорат қилувчи органларнинг тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текширувчи мансабдор шахсларининг (кейинги ўринларда ходимлар деб аталади) малакаси ва профессионаллик даражасини баҳолаш, шунингдек, уларнинг назорат органи фаолиятига ҳамда тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текширишга тааллуқли қонун ҳужжатлари талабларига риоя этилиши учун масъулиятини ошириш мақсадида ўтказилади.

3. Қонунийлик, мажбурийлик, ошқоралик, холислик ва коллегиялик аттестацияни ўтказишнинг асосий тамойиллари ҳисобланади.

4. Аттестациядан ўтиши керак бўлган ходимлар сони, шунингдек, уларга қўйиладиган касбий талаблар қонун ҳужжатлари билан назорат қилувчи органга юкланган вазифалар ва функцияларнинг йўналишлари ва хусусият-



ларидан келиб чиқиб ҳар бир назорат қилувчи орган томонидан белгиланган тартибда аниқланади.

5. Ходимлар аттестациядан назорат қилувчи орган томонидан уч йилда камида бир марта ушбу Низомга 1-иловага мувофиқ схема бўйича ўтказилади.

6. Қўйидагилар аттестациянинг асосий вазифалари ҳисобланади:

юқори малакага, ташаббускорликка, жавобгарликка эга ходимлар тоифасини аниқлаш;

ходимларнинг касб тайёргарлигини, қайта тайёрлаш ёки малакасини ошириш зарурлигини аниқлаш;

тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текширишни ташкил қилишни такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш;

тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текшириш жараёнида коррупция ҳолатларини бартараф этиш ва қонунийликни таъминлаш.

Аттестация комиссияси аттестация сифатли ва холисона ўтказилиши учун жавоб беради.

## **2-боб. Аттестация комиссияси ва унинг фаолиятини ташкил этиш**

7. Аттестация назорат қилувчи орган раҳбарининг буйруғи асосида ташкил этиладиган, камида беш кишидан иборат бўлган аттестация комиссияси томонидан ўтказилади. Аттестация комиссияси раис, котиб ва комиссия аъзоларидан ташкил топади. Бунда назорат қилувчи орган раҳбари бир вақтининг ўзида аттестация комиссиясининг раиси ҳисобланади. Комиссия таркиби тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текширишни амалга ошириш мажбуриятига кирмайдиган шахслардан шакллантирилади.

Назорат қилувчи орган раҳбарининг буйруғи билан унинг ҳудудий бўлинмаларида ҳудудий ёки ҳудудлараро аттестация комиссиялари ташкил этилиши мумкин. Бунда назорат қилувчи органнинг ҳудудий бўлинмаси бошлиғи ҳудудий ёки ҳудудлараро аттестация комиссиялари раиси ҳисобланади.

8. Аттестация комиссияси таркибига мажбурий равишда Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари, Савдо-саноат палатаси ва тадбиркорлик субъектлари вакиллари киритилиши шарт.

9. Аттестация комиссияси ўз фаолиятини доимий равишда амалга оширади, унинг фаолиятини ташкил этиш аттестация комиссиясининг ишчи органи томонидан таъминланади.

Назорат қилувчи органнинг кадрлар билан ишловчи таркибий бўлинмаси ишчи орган функциясини бажаради ва унинг вакили аттестация комиссиясининг котиби ҳисобланади.

Ишчи орган қўйидаги функцияларни бажаради:

Назорат қилувчи органнинг тегишли тузилмаси билан биргаликда аттестацияни ўтказиш учун зарур ҳужжатларни тайёрлайди;

аттестацияни ўтказиш учун ходимлар рўйхатини тузади ва уни аттестация комиссиясига тақдим этади;

аттестацияни ўтказиш учун саволлар рўйхатини тайёрлайди;

аттестация ўтадиган сана ва жой тўғрисида ходимларга хабар қилади; манфаатдор ташкилотлар билан ҳамкорликни таъминлайди; ушбу Низомга мувофиқ аттестация комиссияси иши ҳамда унинг қарорлари ижроси билан боғлиқ бошқа масалаларни ҳал этади.

10. Аттестация комиссияси аттестацияни ўтказишда: аттестациядан ўтаётган ходим ҳақида қисқача ахборотни эшитади; аттестациядан ўтаётган ходимга саволлар беради; аттестация якунлари бўйича очиқ овоз беришни ўтказиш; аттестациядан ўтаётган ходим фаолиятини яхшилаш бўйича тавсиялар беради;

тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текшириш ҳуқуқини бериш тўғрисида қарор қабул қилади;

аттестация ўтказиш натижалари, шунингдек, юридик ва жисмоний шахсларнинг мурожаатлари асосида ходимга аввал берилган тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текшириш ҳуқуқини тасдиқловчи махсус гувоҳнома бекор қилиш билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқади;

аттестацияни ўтказишга тегишли бошқа вазифаларни ҳал этади.

### **3-боб. Аттестацияни ўтказиш**

11. Назорат қилувчи орган раҳбари аттестациядан ўтиши керак бўлган ходимлар рўйхатини тасдиқлаган ҳолда аттестациядан ўтказиш ҳақида буйруқ чиқаради.

12. Аттестациядан ўтиши керак бўлган ходимлар рўйхатига тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текшириш ҳуқуқига эга бўлган ходимлар (махсус гувоҳноманинг амал қилиш муддати тугаган ёки шу ой мобайнида тугайдиган ходимлар) ва бундай ҳуқуқни олишга тавсия қилинган ходимлар киритилади. Ушбу рўйхатга олдин тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текшириш ҳуқуқини олган, бироқ тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текшириш билан боғлиқ бўлмаган лавозимга тайинланган ходимлар, шунингдек, тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текшириш соҳасида қонунчилик бузилиши муносабати билан бундай ҳуқуқдан маҳрум этилган ходимлар киритилмайди.

13. Аттестацияни ўтказиш муддати аттестация комиссияси раиси томонидан ходимларнинг тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текшириш ҳуқуқи амал қилиши муддати тугаши, назорат қилувчи органнинг тузилмаси, штат бирлиги ўзгариши, кадрлар қўнимсизлиги ва бошқа омиллар инобатга олинган ҳолда белгиланади.

14. Назорат қилувчи органнинг тегишли тузилмаси раҳбари томонидан ишчи органга аттестациядан ўтиши керак бўлган ҳар бир ходим тўғрисида хизмат тавсифномаси тақдим этилади.

Аттестациядан ўтказиладиган ходим аттестациядан камида икки ҳафта олдин аттестацияни ўтказиш тўғрисидаги буйруқ билан имзо қўйдирилган ҳолда таништирилиши керак.

15. Аттестация комиссияси йиғилиши аттестация комиссияси тасдиқланган таркибининг тўртдан уч қисми қатнаша, ваколатли ҳисобланади.

16. Аттестация аттестациядан ўтаётган ходим билан суҳбат шаклида ўтказилади.

17. Аттестациядан ўтишда аттестациядан ўтказилувчиларга электрон мосламалардан, маълумотнома, махсус ёки бошқа адабиётлардан, шунингдек, ҳар қандай ёзувлардан фойдаланиш ман этилади. Кўрсатилган талаблар бузилган ҳолларда аттестациядан ўтказилувчилар аттестациядан четлатилади ва аттестациядан ўтмаган деб ҳисобланади.

18. Комиссия йиғилишида бегона шахсларнинг иштирок этишига рухсат берилмайди.

19. Ишчи орган аттестациядан ўтказилувчиларнинг доимий ҳисобини юритиш мақсадида реестрни юритади, унга қўйидаги маълумотлар электрон шаклда киритилади:

эгаллаб турган лавозими;

ходимнинг фамилияси, исми ва отасининг исми;

ходимнинг паспортга оид маълумотлари;

ходимнинг малака ошириш курсини даврий ўтганлиги тўғрисидаги маълумотлар (мавжуд бўлса);

аввалги аттестациядан ўтганлик тўғрисидаги маълумотлар (мавжуд бўлса).

20. Аттестация комиссияси котиби ҳар бир аттестациядан ўтказилувчи ходим ҳақидаги маълумотномани аттестация ўтказиш санасидан камида бир ҳафта олдин комиссияга тақдим этади.

21. Аттестация ўтказилишидан камида 15 кун олдин аттестация комиссияси билан келишилган ҳолда ишчи орган томонидан саволлар рўйхати тузилади ва ушбу рўйхат аттестация комиссияси раиси томонидан тасдиқланади.

Рўйхатга мажбурий равишда тадбиркорлик субъектлари фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга боғлиқ саволлар ва вазиятли вазифалар — тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текшириш вақтида содир бўладиган ва/ёки содир бўлиши мумкин бўлган вазиятлар ҳамда тегишли тадбиркорлик субъектлари томонидан қонунбузарлик содир этиш хавфи даражасидан келиб чиқиб текшириш ташаббуси билан чиқишни назарда тутувчи «хавфни таҳлил этиш» тизимига оид саволлар киритилиши шарт.

22. Ҳар бир аттестациядан ўтаётган ходимга икки нусхада ушбу Низомга 2-иловага мувофиқ шакл бўйича аттестация варақаси тузилади.

23. Аттестация комиссияси томонидан аттестациядан ўтувчи ходим ҳақидаги тавсифнома ва саволларга берилган жавобларни инобатга олган ҳолда ҳар бир аттестациядан ўтувчи ходимга нисбатан очиқ овоз бериш йўли билан алоҳида қарор қабул қилинади. Қарор аттестацияда иштирок этган аттестация комиссияси аъзоларининг кўпчилиги овоз берганда қабул қилинган деб ҳисобланади. Аттестация комиссияси аъзоларининг овозлари тенг бўлган тақдирда аттестация комиссияси раисининг овози ҳал қилувчи овоз ҳисобланади.

24. Аттестация натижаси бўйича аттестация комиссияси қўйидаги қарорлардан бирини қабул қилади:

ходим аттестациядан ўтди;

ходим аттестациядан ўтмади.

25. Аттестация комиссиясининг қарори овоз бериш жараёни тугаши билан эълон қилинади ва аттестация қатнашчилари аттестация варақаларига имзо чекишади.

26. Аттестация якуни бўйича аттестация комиссияси томонидан қабул қилинган қарор аттестация комиссияси раиси, котиби ҳамда аъзолари томонидан имзоланадиган аттестация варақасига киритилади.

Агар аттестациядан ўтказилувчи ўзининг аттестация варақасини имзолашга рози бўлмаса, бу ҳақида тегишли белги қўйилади.

Аттестация варақасининг иккинчи нусхаси аттестация ўтказилгандан кейин бир кун муддатда аттестациядан ўтган ходимга имзо қўйдирилган ҳолда тақдим этилади.

27. Аттестация якунлари бўйича икки кун муддатда баённома тузилади. Баённомада аттестация ўтказилган сана ва жой, аттестация комиссиясининг қарори кўрсатилади ҳамда аттестация варақалари илова қилинади. Баённома аттестация комиссияси раиси ва котиби томонидан имзоланади.

28. Аттестациядан ўтган ходимга аттестация комиссияси томонидан белгиланадиган аттестацияни ўтказиш даврийлиги муддатига тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текшириш ҳуқуқи берилади.

29. Аттестацияга узрли сабабларга кўра (касаллиги, хизмат сафариди бўлганлиги ва ҳоказолар туфайли) келмаган ходимлар аттестация комиссиясининг кейинги йиғилишига қўйиладиган ходимлар рўйхатига киритилади.

30. Аттестация комиссияси томонидан аттестациядан ўтмаган деб ҳисобланган ходим такрорий аттестацияга, бироқ аттестация ўтказилганидан камида олти ойдан кейин қўйилиши мумкин.

Ушбу давр мобайнида аттестациядан ўтмаган ходимга тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текшириш ман этилади. Назорат қилувчи орган раҳбари мазкур ходимни тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текшириш билан боғлиқ бўлмаган лавозимга ўтказиши мумкин.

31. Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текшириш даврида ходим томонидан қонунбузарлик ҳолатларига йўл қўйилган бўлса, унга берилган ҳуқуқ аттестация комиссияси томонидан бекор қилинади ва у қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади.

#### **4-боб. Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текшириш ҳуқуқини берувчи махсус гувоҳнома**

32. Аттестация комиссияси томонидан аттестациядан ўтган ходимга ушбу Низомга 3-иловага мувофиқ шакл бўйича махсус гувоҳнома берилади.

33. Махсус гувоҳномалар бланкаларини тайёрлаш, бериш, сақлаш ва ҳисобини олиб бориш назорат қилувчи органнинг маблағлари ҳисобига,

ходимларнинг хизмат гувоҳномалари учун белгиланган тартиб бўйича амалга оширилади.

34. Махсус гувоҳнома йўқотилган ёки фойдаланиш учун яроқсиз ҳолатга келган ҳолларда ходимнинг муружаати асосида назорат қилувчи орган ёки унинг ҳудудий бўлинмасининг буйруғи билан унга дубликат берилиши мумкин.

Ходимга янги махсус гувоҳнома беришда унга «ДУБЛИКАТ» белгиси қўйилади. Қайта расмийлаштириш ва махсус гувоҳнома дубликатини бериш учун аттестациядан ўтиш талаб этилмайди.

35. Назорат қилувчи органнинг тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текшириш ҳуқуқига эга бўлган, ушбу назорат қилувчи органнинг тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текшириш билан боғлиқ бошқа лавозимга ўтган ходимга дастлаб берилган махсус гувоҳнома амал қилиши муддатига янги лавозими кўрсатилган ҳолда янги махсус гувоҳнома берилади.

36. Ходим билан меҳнат шартномаси бекор қилинганда ёки у тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текшириш билан боғлиқ бўлмаган лавозимга ўтганда махсус гувоҳнома ишчи органга қайтарилиши шарт.

### **5-боб. Яқунловчи қоидалар**

37. Назорат қилувчи органнинг ҳудудий бошқармалари ҳар чоракда ишчи органга реестрга киритиш ва унинг тизимли янгиланиши учун масъул бўлган бўлинмалар, уларнинг ходимлари ва уларнинг белгиланган муддатларда аттестациядан ўтганликлари тўғрисидаги маълумотларни тақдим этади.

38. Аттестациядан ўтказилувчиларнинг реестрини шакллантириш ва юритиш тартиби, ушбу реестрга киритиш учун маълумотларнинг шакли ва тақдим этиш муддатлари ишчи орган томонидан белгиланади.

39. Аттестацияни ташкил этиш ва ўтказиш билан боғлиқ харажатлар тегишли назорат қилувчи органларнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобига молиялаштирилади.

40. Аттестация комиссиясининг қарори юзасидан белгиланган тартибда юқори турувчи органга ёки судга шикоят қилиниши мумкин.

Назорат қилувчи органлар мансабдор шахсларини тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текшириш ҳуқуқини бериш юзасидан аттестациядан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга  
1-ИЛОВА

**Назорат қилувчи органлар мансабдор шахсларини тадбиркорлик субъектларида текшириш ҳуқуқини бериш юзасидан аттестациядан ўтказиш СХЕМАСИ**

| Босқичлар | Субъектлар   | Тадбирлар   | Бажариш муддатлари                                |
|-----------|--|---|---|
| 1-босқич  | Назорат қилувчи органлар                               | Аттестациядан ўтадиган ходимлар рўйхатини тасдиқлаган ҳолда аттестацияни ўтказиш тўғрисида буйруқ чиқаради.                                       | уч йилда камида бир марта                         |
| 2-босқич  | Аттестация комиссиясининг ишчи органи                  | Аттестацияни ўтказиш учун саволлар рўйхатини тайёрлайди.  | аттестация ўтказилишидан камида 15 кун мобайнида  |
| 3-босқич  | Аттестация комиссиясининг ишчи органи                  | Аттестациядан ўтадиган ходимларни буйруқ билан ёзма таништиради.  | аттестация ўтказилишидан камида 2 ҳафта мобайнида |
| 4-босқич  | Аттестация комиссиясининг ишчи органи                  | Аттестациядан ўтадиган ҳар бир ходимга зарур ҳужжатларни, шу жумладан, хизмат тавсифномаси ва маълумотнома тайёрлайди.                            | аттестация ўтказилишидан камида 2 ҳафта мобайнида |
| 5-босқич  | Аттестация комиссияси                                  | Шахсан суҳбатлашиш шаклида аттестация ўтказилади.   | буйруққа мувофиқ белгиланади                      |
| 6-босқич  | Аттестация комиссияси, аттестациядан ўтаётган ходимлар | 1. Очиқ овоз бериш йўли билан қарор қабул қилади.<br>2. Аттестация комиссиясининг қарорини эълон қилади.<br>3. Аттестация варақасини имзолайди.   | аттестация якунлари бўйича                        |
| 7-босқич  | Аттестация комиссиясининг ишчи органи                  | Аттестация варақасининг иккинчи нусхасини аттестациядан ўтган ходимга топширади.  | аттестация ўтказилгандан сўнг бир кун мобайнида   |
| 8-босқич  | Аттестация комиссиясининг ишчи органи                  | Аттестациянинг ўтказилган санаси, жойи ва ҳар бир ходим бўйича қабул қилинган қарорни кўрсатган ҳолда аттестация якунлари бўйича баённома тузади. | аттестация ўтказилгандан сўнг икки кун мобайнида  |
| 9-босқич  | Назорат қилувчи органлар                               | Аттестациядан ўтган ходимларга тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текшириш ҳуқуқини берувчи махсус гувоҳномани беради.                           | аттестация якунлари бўйича                        |

Назорат қилувчи органлар мансабдор  
шахсларини тадбиркорлик субъектлари  
фаолиятини текшириш ҳуқуқини бериш  
бўйича аттестациядан ўтказиш тартиби  
тўғрисидаги низомга  
2-ИЛОВА

**Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини  
текшириш ҳуқуқини бериш бўйича  
АТТЕСТАЦИЯ ВАРАҚАСИ**

\_\_\_\_\_

(эгаллаб турган лавозими)

\_\_\_\_\_

(ходимнинг Ф.И.О.)

Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини  
текшириш ҳуқуқини бериш тўғрисида

\_\_\_\_\_

(назорат қилувчи органнинг номи)

аттестация комиссияси қарори:

Аттестация

комиссияси раиси

\_\_\_\_\_

(имзо)

\_\_\_\_\_

(Ф.И.О.)

Аттестация

комиссияси аъзолари:

\_\_\_\_\_

(имзо)

\_\_\_\_\_

(Ф.И.О.)

\_\_\_\_\_

(имзо)

\_\_\_\_\_

(Ф.И.О.)

\_\_\_\_\_

(имзо)

\_\_\_\_\_

(Ф.И.О.)

Аттестация

комиссияси котиби:

\_\_\_\_\_

(имзо)

\_\_\_\_\_

(Ф.И.О.)

20 \_\_ й. \_\_. \_\_\_\_\_

Аттестация комиссиясининг қарори билан танишдим,  
ушбу аттестация варақасининг иккинчи нусхасини олдим.

\_\_\_\_\_

(сана, имзо, ходимнинг Ф.И.О.)

Назорат қилувчи органлар мансабдор  
шахсларини тадбиркорлик субъектлари  
фаолиятини текшириш ҳуқуқини бериш  
бўйича аттестациядан ўтказиш тартиби  
тўғрисидаги низомга  
З-ИЛОВА

---

(назорат қилувчи органнинг номи)

**Тадбиркорлик субъектлари  
фаолиятини текшириш ҳуқуқини берувчи  
МАХСУС ГУВОҲНОМА № \_\_\_\_\_**

---

(ҳодимнинг Ф.И.О.)

---

(эгаллаб турган лавозими)

Аттестация комиссиясининг 20 \_\_ йил \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_-сон қарорига асосан тадбиркорлик субъектлари фаолиятини 20\_\_ йил \_\_\_\_\_ гача текшириш ҳуқуқи берилди.

Хизмат гувоҳномаси билан биргаликда кўрсатилади.

Мухр ўрни \_\_\_\_\_  
(назорат қилувчи орган раҳбарининг имзоси, Ф.И.О.)

*Изоҳ: махсус гувоҳноманинг ўлчами, олди ва орқа тарафининг ранги назорат қилувчи органнинг хизмат гувоҳномасидаги сингари белгиланади.*



## БЕШИНЧИ БЎЛИМ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ БУЙРУҒИ

## 880 Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат реестридан чиқариш тўғрисида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил  
6 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3085*

Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат реестридан чиқариш бўйича 2018 йил 6 ноябрдаги ҳулосага мувофиқ ҳамда Ўзбекистон Республикасининг «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 июлдаги ПФ–5490-сон «Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги ПҚ–3666-сон «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 9 октябрдаги 469-сон «Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар меъёрий ҳужжатларининг қонунийлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда 2000 йил 19 майдаги 197-сон «Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг меъёрий ҳужжатларини қабул қилиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорларига асосан, **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 22 январдаги ПФ–5308-сон «2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили»да амалга оширишга оид давлат Дастури тўғрисида»ги Фармонига асосан Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгаши тугатилганлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 июлдаги ПФ–5490-сон «Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текширишнинг янги тартиби жорий этилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Мазкур буйруқнинг иловасига мувофиқ айрим идоравий норматив-

---

\* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 7 ноябрда эълон қилинган.

хуқуқий ҳужжатлар Идоравий норматив-хуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестридан чиқарилсин.

3. Мазкур буйруқ давлат рўйхатидан ўтказилсин ва бу ҳақда Идоравий норматив-хуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестрига тегишли ёзув киритилсин.

4. Қонун ҳужжатларини таҳлил қилиш ва туркумлаш бошқармаси ушбу идоравий норматив-хуқуқий ҳужжатни «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами» — «Собрание законодательства Республики Узбекистан»да ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида эълон қилинишини таъминласин.

5. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

6. Мазкур буйруқнинг ижросини назорат қилиш вазирнинг биринчи ўринбосари Н. Жўраев зиммасига юклансин.

**Вазир**

**Р. ДАВЛЕТОВ**

Тошкент ш.,  
2018 йил 6 ноябрь,  
515-мх-сон

Ўзбекистон Республикаси  
адлия вазирининг 2018 йил 6 ноябрдаги  
515-мх-сон буйруғига  
ИЛОВА

**Идоравий норматив-хуқуқий ҳужжатларнинг  
давлат реестридан чиқарилаётган ҳужжатлар  
РЎЙХАТИ**

1. Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгашининг 2017 йил 14 мартдаги 1-сон «Назорат қилувчи органлар томонидан хўжалик юритувчи субъектлар — юридик шахслар фаолиятидаги текширишларни мувофиқлаштириш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорининг 12-банди ва 3-илоvasи (рўйхат рақами 2878, 2017 йил 6 май) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 19-сон, 347-модда).

2. Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгашининг 2017 йил 6 июндаги 2-сон «Назорат қилувчи органлар томонидан хўжалик юритувчи субъектлар — юридик шахслар фаолиятидаги текширишларни мувофиқлаштириш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга қўшимча киритиш ҳақида»ги қарорининг 9-банди (рўйхат рақами 2878-1, 2017 йил 20 июнь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 25-сон, 556-модда).

3. Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгашининг 2017 йил 22 сентябрдаги 3-сон «Назорат қилувчи органлар томонидан хўжалик юритувчи субъектлар — юридик шахслар фаолиятидаги текширишларни мувофиқлаштириш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида»ги қарорининг 10-банди ва 6-илоvasи (рўйхат рақами 2878-2, 2017 йил 13 октябрь) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 16.10.2017 й., 10/17/2878-2/0111-сон).

4. Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгашининг 2017 йил 11 декабрдаги 235-сон «Назорат қилувчи органлар томонидан хўжалик юритувчи субъектлар — юридик шахслар фаолиятидаги текширишларни мувофиқлаштириш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 3-илоvasига ўзгартириш ва қўшимча киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2878-3, 2017 йил 21 декабрь) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 22.12.2017 й., 10/17/2878-3/0437-сон).

5. Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгашининг 2017 йил 14 мартдаги 1-сон «Назорат қилувчи органлар томонидан якка тартибдаги тадбиркорлар фаолиятидаги текширишларни мувофиқлаштириш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорининг 12-банди ва 4-илоvasи (рўйхат рақами 2879, 2017 йил 6 май) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 19-сон, 348-модда).

6. Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгашининг 2017 йил 6 июндаги 2-сон «Назорат қилувчи органлар томонидан якка тартибдаги тадбиркорлар фаолиятидаги текширишларни мувофиқлаштириш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга қўшимча киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2879-1, 2017 йил 20 июнь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 25-сон, 557-модда).

7. Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгашининг 2017 йил 22 сентябрдаги 3-сон «Назорат қилувчи органлар томонидан якка тартибдаги тадбиркорлар фаолиятидаги текширишларни мувофиқлаштириш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида»ги қарорининг 10-банди ва 7-илоvasи (рўйхат рақами 2879-2, 2017 йил 13 октябрь) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 16.10.2017 й., 10/17/2879-2/0112-сон).

8. Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгашининг 2017 йил 11 декабрдаги 236-сон «Назорат қилувчи органлар томонидан якка тартибдаги тадбиркорлар фаолиятидаги текширишларни мувофиқлаштириш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомнинг иловасига қўшимча киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2879-3, 2017 йил 21 декабрь) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 22.12.2017 й., 10/17/2879-3/0438-сон).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН СТАНДАРТЛАШТИРИШ, МЕТРОЛОГИЯ ВА  
СЕРТИФИКАТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИНИНГ  
ҚАРОРИ

**881** Озиқ-овқат маҳсулотларига, уларни ишлаб чиқариш воситаларига ва халқ истеъмоли молларига санитария-эпидемиологик хулоса бериш тартиби тўғрисида йўриқномага ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш тўғрисида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил  
8 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1525-2*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 12 апрелдаги ПФ-5414-сон «Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона хизмати органлари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонида мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлигининг 2005 йил 30 сентябрдаги 01-1/54, 1-сон қарори (рўйхат рақами 1525, 2005 йил 28 ноябрь) (Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 й., 47-48-сон, 360-модда) билан тасдиқланган Озиқ-овқат маҳсулотларига, уларни ишлаб чиқариш воситаларига ва халқ истеъмоли молларига санитария-эпидемиологик хулоса бериш тартиби тўғрисида йўриқномага иловага мувофиқ ўзгартиришлар ва қўшимча киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Соғлиқни сақлаш вазири**

**А. ШАДМАНОВ**

Тошкент ш.,  
2018 йил 22 октябрь,  
49-сон

**Ўзбекистон стандартлаштириш,  
метрология ва сертификатлаштириш  
агентлиги бош директори**

**Д. САТТАРОВ**

Тошкент ш.,  
2018 йил 22 октябрь,  
323-сон

---

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 9 ноябрда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси  
Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда  
Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология  
ва сертификатлаштириш агентлигининг  
2018 йил 22 октябрдаги  
49, 323-сон қарорига  
ИЛОВА

**Озиқ-овқат маҳсулотларига, уларни ишлаб чиқариш  
воситаларига ва халқ истеъмоли молларига санитария-  
эпидемиологик хулоса бериш тартиби тўғрисида йўриқномага  
киритилаётган ўзгартиришлар ва қўшимча**

1. 9-бандда:

тўртинчи хатбошидаги «нусхалари тақдим этилади.» деган сўзлар «нусхалари;» деган сўз билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги бешинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«айнан бир хил маҳсулот бир ташқи савдо шартномаси (контракти) доирасида четдан олиб келинаётган ҳолларда ушбу ташқи савдо шартномаси (контракти) нусхаси тақдим этилади.».

2. 51-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«51. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларга санитария-эпидемиологик хулоса — 3 йил муддатга, четдан олиб келинаётган маҳсулотга — маҳсулотнинг яроқлилик даврига, яроқлилик муддатига эга бўлмаган маҳсулотга эса — муддати кўрсатилмасдан берилади.

Бир ташқи савдо шартномаси (контракти) доирасида четдан олиб келинаётган айнан бир хил маҳсулотга санитария-эпидемиологик хулоса — бир календарь йилидан ошмаган муддатга берилади.».

3. Мазкур ўзгартиришлар ва қўшимча Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, Савдо-саноат палатаси, Давлат ветеринария қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўсимликлар карантини давлат инспекцияси билан келишилган.

*Хусусийлаштирилган корхоналарга  
кўмаклашиш ва рақобатни  
ривожлантириш давлат қўмитаси  
раиси биринчи ўринбосари*

*Н. ШАРИПОВ*

*2018 йил 18 октябрь*

*Савдо саноат  
палатаси раиси*

*А. ИКРАМОВ*

*2018 йил 18 октябрь*

*Давлат ветеринария  
қўмитаси раиси*

**Б. НОРКОБИЛОВ**

*2018 йил 19 октябрь*

*Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги  
Ўсимликлар карантини давлат  
инспекцияси бошлиғи*

**И. ЭРГАШЕВ**

*2018 йил 19 октябрь*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИНИНГ  
ҚАРОРИ

**882 «Божхона иши соҳасида қўлланиладиган айрим хуж-  
жатлар ва ҳисоботлар шакллари тасдиқлаш тўғри-  
сида»ги қарорга ўзгартириш киритиш ҳақида\***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил  
8 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2778-3*

Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодекси ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 12 апрелдаги ПФ-5414-сон «Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона хизмати органлари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2016 йил 30 мартдаги 01-02/12-19-сон «Божхона иши соҳасида қўлланиладиган айрим хужжатлар ва ҳисоботлар шакллари тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорининг (рўйхат рақами 2778, 2016 йил 12 апрель) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 15-сон, 155-модда) 1 — 12 ва 14 — 16-иловалари ўз кучини йўқотган деб топилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга кириди.

**Раис**

**М. АЗИМОВ**

Тошкент ш.,  
2018 йил 22 октябрь,  
01-02/12-64-сон

---

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 9 ноябрда эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРИНИНГ  
БУЙРУҒИ**883** Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг  
Миллий стандартига (5-сон БҲМС) «Асосий воситалар»га ўзгартиришлар киритиш ҳақида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил  
8 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1299-4*

Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2003 йил 9 октябрдаги 114-сон буйруғи (рўйхат рақами 1299, 2004 йил 20 январь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 3-сон, 35-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг Миллий стандартига (5-сон БҲМС) «Асосий воситалар»га иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Вазир**

**Д. КУЧКАРОВ**

Тошкент ш.,  
2018 йил 22 октябрь,  
134-сон

Ўзбекистон Республикаси  
молия вазирининг 2018 йил 22 октябрдаги  
134-сон буйруғига  
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг  
Миллий стандартига (5-сон БҲМС) «Асосий воситалар»га  
киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 13-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«13. Чет эл валютасида харид қилинган асосий воситаларнинг бошланғич қиймати, уларнинг харид қилинганлигини тасдиқловчи бошланғич ҳисоб ҳужжатларида (товарнинг кузатув ҳужжатлари ёки божхона юк декларациясида) кўрсатилган қийматидан келиб чиқиб, уларни бухгалтерия ҳисобига қабул қилиш санасидаги Ўзбекистон Республикаси Марказий банки курси бўйича қайта ҳисоблаб, шунингдек мазкур стандартнинг 11-бандида

\* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 9 ноябрда эълон қилинган.

назарда тутилган тегишли харажатларни ҳисобга олган ҳолда, аниқланади.».

2. 35-банд қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«35. Қуйидагилар амортизация қилинмайди:

а) ер участкалари ва табиатдан фойдаланишга доир бошқа объектлар (сув, ер ости бойликлари ва бошқа табиий ресурслар);

б) маҳсулдор чорва моллари;

в) ахборот-кутубхона фонди;

г) қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда консервациялашга ўтказилган асосий воситалар;

д) музей ашёлари;

е) моддий маданий мерос объектлари;

ж) умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари, йўлаклар, сайилгоҳлар, хиёбонлар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари тасарруфида бўлган ободонлаштириш иншоотлари;

з) тўлиқ амортизацияланган асосий воситалар.».

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРИНИНГ БУЙРУҒИ

### **884** «Аудиторлик ташкилотлари раҳбарларини аттестациядан ўтказиш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил  
8 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1709-1*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 сентябрдаги ПҚ–3946-сон «Ўзбекистон Республикасида аудиторлик фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2007 йил 1 августдаги 73-сон «Аудиторлик ташкилотлари раҳбарларини аттестациядан ўтказиш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 1709, 2007 йил 3 сентябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 35-36-сон, 367-модда) ўз кучини йўқотган деб топилсин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси,

---

\* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 9 ноябрда эълон қилинган.



Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, Ўзбекистон аудиторлар палатаси ва Ўзбекистон бухгалтерлар ва аудиторлар миллий ассоциацияси билан келишилган.

3. Мазкур буйруқ 2019 йил 1 январдан кучга киради.

**Вазир**

**Д. КУЧКАРОВ**

Тошкент ш.,  
2018 йил 29 октябрь,  
136-сон

*Келишилган:*

*Бандлик ва меҳнат  
муносабатлари вазири*

**Ш. КУДБИЕВ**

*2018 йил 29 октябрь*

*Давлат солиқ қўмитаси  
раисининг биринчи ўринбосари*

**Б. МУСАЕВ**

*2018 йил 29 октябрь*

*Хусусийлаштирилган корхоналарга  
кўмаклашиш ва рақобатни  
ривожлантириш давлат қўмитаси  
раисининг биринчи ўринбосари*

**Н. ШАРИПОВ**

*2018 йил 29 октябрь*

*Ўзбекистон аудиторлар  
палатаси Кенгаши раиси*

**Н. КАРИМОВ**

*2018 йил 29 октябрь*

*Ўзбекистон бухгалтерлар ва  
аудиторлар миллий ассоциацияси  
Кенгаши раиси*

**М. ТУЛАХОДЖАЕВА**

*2018 йил 29 октябрь*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРИНИНГ  
БУЙРУҒИ**885** Бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчиларнинг харажатлар сметаси ва штат жадвалларини тузиш, тасдиқлаш ва рўйхатдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 8 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2634-2*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 мартдаги ПҚ–2847-сон «Молия органлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2017 йил 21 августдаги ПҚ–3231-сон «Таълим ва тиббиёт муассасаларини молиялаштириш механизмини ҳамда давлат молиявий назорати тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорларига мувофиқ, **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2014 йил 14 ноябрдаги 74-сон буйруғи (рўйхат рақами 2634, 2014 йил 15 декабрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 51-сон, 612-модда) билан тасдиқланган Бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчиларнинг харажатлар сметаси ва штат жадвалларини тузиш, тасдиқлаш ва рўйхатдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Вазир**

**Д. КУЧКАРОВ**

Тошкент ш.,  
2018 йил 8 октябрь,  
130-сон

---

\* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 9 ноябрда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси  
молия вазирининг 2018 йил 8 октябрдаги  
130-сон буйруғига  
ИЛОВА

**Бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари  
олувчиларнинг харажатлар сметаси ва штат жадвалларини  
тузиш, тасдиқлаш ва рўйхатдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги  
низомга киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Муқаддима «тақсимловчиларнинг» деган сўздан кейин «ва марказлаштирилган молия-бухгалтерия хизматларининг» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

2. 3-банд қўйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Умумтаълим мактаблари, мактабгача таълим муассасалари ва тиббиёт муассасаларининг харажатлар сметалари, даромадлар ва харажатлар сметалари ҳамда штат жадваллари марказлаштирилган молия-бухгалтерия хизматлари томонидан тузилади, рўйхатга олинади, шунингдек тегишли жамланма сметаларига ва штат жадвалларига умумлаштирилади.».

3. 7-бандда:

биринчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«7. Харажатлар сметаси, даромадлар ва харажатлар сметаси, вақтинчалик харажатлар сметалари, жамланма харажатлар сметаси, жамланма даромадлар ва харажатлар сметаси, жамланма вақтинчалик харажатлар сметалари, шунингдек штат жадваллари ва жамланма штат жадваллари сўмда тузилади.»;

иккинчи хатбоши чиқариб ташлансин.

4. Қўйидаги мазмундаги 7<sup>1</sup>-банд билан тўлдирилсин:

«7<sup>1</sup>. «UzASBO» дастурий мажмуасига (бундан буён матнда дастурий мажмуа деб юритилади) уланган бюджет ташкилотлари, бюджет маблағлари олувчилар, бюджет маблағларини тақсимловчиларнинг ва марказлаштирилган молия-бухгалтерия хизматлари харажатлар сметаси, даромадлар ва харажатлар сметаси, вақтинчалик харажатлар сметалари, штат жадваллари, жамланма харажатлар сметаси, жамланма даромадлар ва харажатлар сметаси, жамланма вақтинчалик харажатлар сметалари ва жамланма штат жадвалларини кўриб чиқиш ва рўйхатдан ўтказиш учун дастурий мажмуа орқали Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Ахборот тизимига (бундан буён матнда ахборот тизими деб юритилади) жўнатади. Харажатлар сметаси, даромадлар ва харажатлар сметаси, вақтинчалик харажатлар сметалари, штат жадваллари, жамланма харажатлар сметаси, жамланма даромадлар ва харажатлар сметаси, жамланма вақтинчалик харажатлар сметалари ва жамланма штат жадваллари раҳбарнинг электрон рақамли имзоси билан тасдиқланади ва ҳар бирига хос «QR» кодлар қўйилиб, ахборот тизимида рўйхатга олинади.».

5. 8-банднинг иккинчи хатбошиси «харажатлар сметаларига» деган сўзлардан кейин «, шунингдек марказлаштирилган молия-бухгалтерия хиз-

матларининг жамланма харажатлар сметаларига» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

6. 9-бандда:

биринчи хатбоши «бюджет ташкилотлари» деган сўзлардан кейин «, марказлаштирилган молия-бухгалтерия хизматлари» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

иккинчи хатбоши «Бюджет ташкилотлари» деган сўзлардан кейин «, марказлаштирилган молия-бухгалтерия хизматлари» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

7. 12-банднинг ўн учинчи хатбошиси «кўрсатиладиган хизматга» деган сўзлардан кейин «ўтган ҳисобот давридаги ҳақиқий харажатдан келиб чиқиб ёки» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

8. 20-банднинг биринчи хатбоши «маблағлари олувчиларнинг харажатлар сметаси» деган сўзлардан кейин «, шунингдек марказлаштирилган молия-бухгалтерия хизматларининг жамланма харажатлар сметаси» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

9. Қуйидаги мазмундаги 22<sup>1</sup>-банд билан тўлдирилсин:

«22<sup>1</sup>. Марказлаштирилган молия-бухгалтерия хизматлари бўйсунувидаги бюджет ташкилотларининг жамланма харажатлар сметасини, жамланма даромадлар ва харажатлар сметасини мазкур Низом 46-бандининг иккинчи хатбошисига мувофиқ тартибда тузади.»

10. 24-банднинг биринчи хатбошиси «штат жадвалида» деган сўзлардан кейин «ва марказлаштирилган молия-бухгалтерия хизматининг жамланма штат жадвалида» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

11. Қуйидаги мазмундаги 24<sup>1</sup>-банд билан тўлдирилсин:

«24<sup>1</sup>. Марказлаштирилган молия-бухгалтерия хизматлари бўйсунувидаги бюджет ташкилотларининг жамланма штат жадвалини мазкур Низом 46-бандининг учинчи хатбошисига мувофиқ тартибда тузади.»

12. 25-банд «штат жадвалини» деган сўзлардан кейин «ва марказлаштирилган молия-бухгалтерия хизматининг жамланма штат жадвалини» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

13. 26-бандда:

биринчи хатбоши «вақтинчалик харажатлар сметаларини» деган сўзлардан кейин «, шунингдек марказлаштирилган молия-бухгалтерия хизматлари томонидан жамланма вақтинчалик харажатлар сметаларини» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

иккинчи хатбоши «вақтинчалик харажатлар сметалари» деган сўзлардан кейин «, шунингдек марказлаштирилган молия-бухгалтерия хизматларининг жамланма вақтинчалик харажатлар сметалари» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

14. 30-бандда:

бешинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«бюджет ташкилотларига ундириладиган ота-оналар тўловлари ҳисобидан шакллантириладиган бюджетдан ташқари маблағлар, шу жумладан ўқувчилар ва тарбияланувчилар давлат мактабгача таълим муассасаларида, умум-

таълим мактабларининг куни узайтирилган гуруҳларида, мактаб-интернатларда, олимпия захиралари коллежлари ва бошқа таълим муассасаларида тарбияланаётганлиги учун, ўқувчилар болалар мусиқа ва санъат мактаблари ҳамда мактабдан ташқари таълим муассасаларида таълим олганлиги учун, олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида таълим олганлик учун, стационар даволаш-профилактика муассасаларида даволанаётганлар таркиби овқатланиши учун ҳамда қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа турдаги тўловлар.»;

олтинчи хатбошидаги «тарбияланувчиларни сақлаб турилганлиги учун ундириладиган тўловлар» деган сўзлар «тарбияланувчилар учун ундириладиган ота-оналар тўловлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

15. 49-банд қўйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Мазкур банднинг биринчи хатбошида кўрсатилган ҳужжатлардан ташқари таркибида ички аудит ва молиявий назорат хизматлари мавжуд бўлган бюджет маблағларини тақсимловчилар ички аудит ва молиявий назорат хизматларининг хулосаларини тақдим этади.».

16. 6-бобнинг номи «тақсимловчиларнинг» деган сўздан кейин «ва марказлаштирилган молия-бухгалтерия хизматларининг» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

17. 50-банднинг биринчи хатбошиси «тақсимловчиларнинг» деган сўздан кейин «ва марказлаштирилган молия-бухгалтерия хизматларининг» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

18. 51-банднинг тўртинчи хатбошиси қўйидаги тахрирда баён этилсин:

«шаҳар ва туман бюджетларидан молиялаштириладиган бюджет ташкилотлари, марказлаштирилган молия-бухгалтерия хизматлари ҳамда бюджет маблағлари олувчиларнинг (жамланма) харажатлар сметаси, даромадлар ва харажатлар сметаси, (жамланма) вақтинчалик харажатлар сметаси, штат жадваллари — тегишли туманлар ва шаҳарлар ҳокимликларининг молия бўлимлари томонидан амалга оширилади.».

19. 6-бобнинг 2-параграфининг номи «тақсимловчиларнинг» деган сўздан кейин «ва марказлаштирилган молия-бухгалтерия хизматларининг» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

20. Қўйидаги мазмундаги 54<sup>1</sup>-банд билан тўлдирилсин:

«54<sup>1</sup>. Марказлаштирилган молия-бухгалтерия хизматлари томонидан, жамланма харажатлар сметаси, жамланма даромадлар ва харажатлар сметаси ва жамланма штат жадваллари рўйхатдан ўтказилгандан сўнг мазкур сметалар бўйича молиялаштириладиган бўйсунувдаги ташкилотларга 10 иш куни ичида қўйидаги маълумотлар тақдим этилади:

штат жадваллари ва мазкур ташкилот ходимлари иш ҳақи ставкалари;

ишлаб чиқариш кўрсаткичлари (ўқувчилар, синфлар, болалар, койкалар, койка-кун, бола-кунлари ва бошқалар сони), бепул ёки имтиёзли озик-овқат олувчи ўқувчилар сони, биринчи синф ўқувчиларининг сони, бепул қишки кийим ва пойабзал ажратиладиган, аҳолининг кам таъминланган қатламидан бошланғич синфларда ўқувчилари сони ва бошқа тармоқ кўрсаткичлари;

бюджетдан ажратилган маблағлар доирасида сотиб олишга мўлжалланган жиҳозлар ва асбоб-ускуналар рўйхати;

жорий ва капитал таъмирлаш бўйича асосий ишлар рўйхати.

Маълумотлар тегишли молия органлари томонидан тасдиқланган шаклларда тақдим этилади.»

21. 60-банд ва 90-банднинг учинчи хатбошиси «тақсимловчиларнинг» деган сўздан кейин «ва марказлаштирилган молия-бухгалтерия хизматларининг» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

22. 64-банднинг биринчи хатбошиси «Бюджет ташкилотлари» деган сўзлардан кейин «, марказлаштирилган молия-бухгалтерия хизматлари» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

23. 65-бандда:

биринчи ва иккинчи хатбошилари «Бюджет ташкилотлари» деган сўзлардан кейин «, марказлаштирилган молия-бухгалтерия хизматлари» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

учинчи хатбоши чиқариб ташлансин.

24. 69-банднинг биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«69. Дастурий мажмуага уланмаган бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчиларнинг ахборот тизимига белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган харажатлар сметаси, даромадлар ва харажатлар сметаси, вақтинчалик харажатлар сметаси кўрсаткичларини киритиш:».

25. 7-бобнинг номи «тақсимловчининг» деган сўздан кейин «ва марказлаштирилган молия-бухгалтерия хизматларининг» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

26. 71-банднинг иккинчи хатбошиси «бюджет маблағларини тақсимловчилар» деган сўзлардан кейин «ва марказлаштирилган молия-бухгалтерия хизматлари» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

27. 72-бандда:

биринчи хатбоши «бюджет ташкилотлари» деган сўзлардан кейин «, марказлаштирилган молия-бухгалтерия хизматлари» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

учинчи хатбоши «бюджет ташкилоти» деган сўзлардан кейин «, марказлаштирилган молия-бухгалтерия хизматлари» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

28. 73-бандда:

биринчи хатбоши «бюджет ташкилоти» деган сўзлардан кейин «, марказлаштирилган молия-бухгалтерия хизматлари» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

учинчи хатбоши «бюджет маблағларини тақсимловчилар» деган сўзлардан кейин «ҳамда марказлаштирилган молия-бухгалтерия хизматлари» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

29. 75-бандда:

биринчи хатбошидан «йилда кўпи билан 4 марта киритилади ва» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

бешинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«туманлар ва шаҳарлар бюджетларидан молиялаштириладиган бюджет ташкилотлари, марказлаштирилган молия-бухгалтерия хизматлари ва бюджет маблағлари олувчилар бўйича — туманлар ва шаҳарлар ҳокимликларининг молия бўлимлари томонидан рўйхатдан ўтказилади. Бунда марказлаштирилган молия-бухгалтерия хизматлари бўйсинувидаги бюджет ташкилотлари кесимида ва уларнинг раҳбарлари билан келишган ҳолда ўзгартиришларнинг жамланма сўровини ишлаб чиқади ва тақдим этади.»;

олтинчи хатбоши чиқариб ташлансин.

30. 76-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«76. Дастурий мажмуага уланмаган бюджет ташкилотларининг белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган харажатлар сметасидаги ўзгартиришлар ахборот тизимига тегишли молия органлари томонидан киритилади.»;

қуйидаги мазмундаги хатбошилар билан тўлдирилсин:

«Дастурий мажмуага уланган бюджет ташкилотларининг рўйхатдан ўтказилган харажатлар сметасидаги ўзгартиришлар улар томонидан ахборот тизимига дастурий мажмуа орқали жўнатилади.

Харажатлар сметасининг IV гуруҳ харажатлари (дори воситалари ва озик-овқат маҳсулотларига харажатлардан ташқари) бўйича ўзгартиришлар, харажатлар иқтисодий таснифи кичик модда ва элементлари доирасида киритилиши мумкин. Ушбу ўзгартиришлар бюджет ташкилотлари ва марказлаштирилган молия-бухгалтерия хизматлари (уларнинг бўйсинувидаги бюджет ташкилотлари бўйича) томонидан киритилади.».

31. 77-банддан «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

32. 86-банд «тақсимловчининг» деган сўздан кейин «ва марказлаштирилган молия-бухгалтерия хизматларининг» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

33. 89-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«89. Бюджет ташкилотлари, марказлаштирилган молия-бухгалтерия хизматлари ва бюджет маблағлари олувчиларнинг (жамланма) смета ижроси бевосита мазкур ташкилот раҳбарлари томонидан амалга оширилади. Бюджет маблағларидан тасдиқланмаган харажатлар сметаси, бюджет ташкилотлари, марказлаштирилган молия-бухгалтерия хизматлари ва бюджет маблағлари олувчиларнинг (жамланма) харажатлар сметасида назарда тутилмаган тадбирлар, шунингдек даромадлар ва харажатлар сметаси бўйича сметада ёки жамланма харажатлар сметаси ва алоҳида харажатлар сметасида тасдиқлангандан ортиқ суммаларда харажат қилиш тақиқланади.».

34. 7-илованинг номи «Бюджет ташкилотлари» деган сўзлардан кейин «, марказлаштирилган молия-бухгалтерия хизматлари» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИҚТИСОДИЁТ ВАЗИРЛИГИНИНГ  
ҚАРОРИ

**886** Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб қилувчи корхоналар учун солиқ имтиёзларини қўллаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 8 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2822-2*

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси, Ўзбекистон Республикаси «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Қонунининг 7-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 11 апрелдаги ПФ-3594-сон «Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 декабрдаги ПҚ-3454-сон «Ўзбекистон Республикасининг 2018 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва Иқтисодиёт вазирлиги **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва Иқтисодиёт вазирлигининг 2016 йил 9 августдаги 61, 2016-24, 121-сон қарори (рўйхат рақами 2822, 2016 йил 26 август) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 34-сон, 407-модда) билан тасдиқланган Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб қилувчи корхоналар учун солиқ имтиёзларини қўллаш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар ва қўшимча киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Молия вазири**

**Д. КУЧКАРОВ**

Тошкент ш.,  
2018 йил 10 октябрь,  
126-сон

---

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 9 ноябрда эълон қилинган.



**Давлат солиқ қўмитаси**  
**раисининг биринчи ўринбосари**

**Б. МУСАЕВ**

Тошкент ш.,  
2018 йил 10 октябрь,  
2018-61-сон

**Иқтисодиёт вазири**

**Б. ХОДЖАЕВ**

Тошкент ш.,  
2018 йил 10 октябрь,  
30-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва  
Иқтисодиёт вазирлигининг 2018 йил  
10 октябрдаги 126, 2018-61 ва  
30-сон қарорига  
ИЛОВА

**Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб қилувчи корхоналар учун солиқ имтиёзларини қўллаш тартиби тўғрисидаги низомга киритилаётган ўзгартиришлар ва қўшимча**

1. 1-бандда:

тўртинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

бешинчи ва олтинчи хатбошилар тегишли равишда тўртинчи ва бешинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 декабрдаги ПҚ–3454-сон «Ўзбекистон Республикасининг 2018 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги қарорига асосан Республика йўл жамғармаси учун имтиёзга эга бўлган корхоналар давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмаларни имтиёзли 1,5 фоиз ставкада бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига тўлиқ ҳажмда тўлайдилар.».

2. 3-банд «б» кичик бандининг иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«корхоналарни, республиканинг барча шаҳарлари ва қишлоқ аҳоли пунктларида жойлаштириш, бундан Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти мустасно. Бундай ҳудудий чеклов туризм соҳасида фаолият кўрсатувчи корхоналарга ва чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга оширишга татбиқ этилмайди;».

3. 6-банднинг учинчи хатбошиси чиқариб ташлансин.

4. 9-банднинг рус тилидаги матни қўйидаги тахрирда баён этилсин:

«9. При выявлении фактов несоответствия предприятия установленным требованиям для предоставления налоговых льгот за период, в течение которого предприятие не соответствовало установленным требованиям, налоги и обязательные отчисления уплачиваются в общеустановленном порядке, с применением финансовых санкций, предусмотренных законодательством.».

4. Мазкур ўзгартиришлар ва қўшимча Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси билан келишилган.

*Инвестициялар бўйича  
давлат қўмитаси раиси*

*С. ХОЛМУРАДОВ*

*2018 йил 10 сентябрь*

*Давлат статистика  
қўмитаси раиси*

*Б. БЕГАЛОВ*

*2018 йил 10 сентябрь*

*Савдо-саноат  
палатаси раиси*

*А. ИКРАМОВ*

*2018 йил 10 сентябрь*

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Адлия вазирлиги вазирликлар, давлат қўмиталари ва**  
**идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини**  
**давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида**  
**2018 йил 3 ноябрдан 9 ноябргача**  
**бўлган маълумотни маълум қилади**

**1. Давлат рўйхатидан ўтказилди:**

1. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2018 йил 6 ноябрдаги 515-мх-сон «Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат реестридан чиқариш тўғрисида»ги буйруғи.

***2018 йил 6 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3085.***

2. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлигининг 2018 йил 22 октябрдаги 49, 323-сон «Озиқ-овқат маҳсулотларига, уларни ишлаб чиқариш воситаларига ва халқ истеъмоли молларига санитария-эпидемиологик хулоса бериш тартиби тўғрисида йўриқномага ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш тўғрисида»ги қарори.

***2018 йил 8 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1525-2.***

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2018 йил 8 ноябрдаги 01-02/12-64-сон «Божхона иши соҳасида қўлланиладиган айрим ҳужжатлар ва ҳисоботлар шаклларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорга ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қарори.

***2018 йил 8 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2778-3.***

4. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2018 йил 22 октябрдаги 134-сон «Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг Миллий стандартига (5-сон БХМС) «Асосий воситалар»га ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи.

***2018 йил 8 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1299-4.***

5. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2018 йил 29 октябрдаги 136-сон «Аудиторлик ташкилотлари раҳбарларини аттестациядан ўтказиш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги буйруғи.

***2018 йил 8 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1709-1.***

6. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2018 йил 8 октябрдаги

130-сон «Бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчиларнинг харажатлар сметаси ва штат жадвалларини тузиш, тасдиқлаш ва рўйхатдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги буйруғи.

***2018 йил 8 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2634-2.***

7. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Иқтисодиёт вазирлигининг 2018 йил 10 октябрдаги 126, 2018-61, 30-сон «Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб қилувчи корхоналар учун солиқ имтиёзларини қўллаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида»ги қарори.

***2018 йил 8 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2822-2.***

## **II. Давлат реестридан чиқарилди:**

1. Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгашининг «Назорат қилувчи органлар томонидан хўжалик юритувчи субъектлар — юридик шахслар фаолиятидаги текширишларни мувофиқлаштириш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорининг 12-банди ва 3-илоvasи (рўйхат рақами 2878, 2017 йил 6 май).

***Адлия вазирининг 2018 йил 6 ноябрдаги 515-мҁ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.***

2. Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгашининг «Назорат қилувчи органлар томонидан хўжалик юритувчи субъектлар — юридик шахслар фаолиятидаги текширишларни мувофиқлаштириш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга қўшимча киритиш ҳақида»ги қарорининг 9-банди (рўйхат рақами 2878-1, 2017 йил 20 июнь).

***Адлия вазирининг 2018 йил 6 ноябрдаги 515-мҁ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.***

3. Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгашининг «Назорат қилувчи органлар томонидан хўжалик юритувчи субъектлар — юридик шахслар фаолиятидаги текширишларни мувофиқлаштириш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида»ги қарорининг 10-банди ва 6-илоvasи (рўйхат рақами 2878-2, 2017 йил 13 октябрь).

***Адлия вазирининг 2018 йил 6 ноябрдаги 515-мҁ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.***

4. Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгашининг «Назорат қилувчи органлар томонидан хўжалик юритувчи субъектлар — юридик шахслар фаолиятидаги текширишларни мувофиқлаштириш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 3-илоvasига ўзгарти-

риш ва қўшимча киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2878-3, 2017 йил 21 декабрь).

*Адлия вазирининг 2018 йил 6 ноябрдаги 515-мҳ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.*

5. Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгашининг «Назорат қилувчи органлар томонидан якка тартибдаги тадбиркорлар фаолиятидаги текширишларни мувофиқлаштириш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорининг 12-банди ва 4-илоvasи (рўйхат рақами 2879, 2017 йил 6 май).

*Адлия вазирининг 2018 йил 6 ноябрдаги 515-мҳ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.*

6. Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгашининг «Назорат қилувчи органлар томонидан якка тартибдаги тадбиркорлар фаолиятидаги текширишларни мувофиқлаштириш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга қўшимча киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2879-1, 2017 йил 20 июнь).

*Адлия вазирининг 2018 йил 6 ноябрдаги 515-мҳ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.*

7. Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгашининг «Назорат қилувчи органлар томонидан якка тартибдаги тадбиркорлар фаолиятидаги текширишларни мувофиқлаштириш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида»ги қарорининг 10-банди ва 7-илоvasи (рўйхат рақами 2879-2, 2017 йил 13 октябрь).

*Адлия вазирининг 2018 йил 6 ноябрдаги 515-мҳ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.*

8. Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгашининг «Назорат қилувчи органлар томонидан якка тартибдаги тадбиркорлар фаолиятидаги текширишларни мувофиқлаштириш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомнинг иловасига қўшимча киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2879-3, 2017 йил 21 декабрь).

*Адлия вазирининг 2018 йил 6 ноябрдаги 515-мҳ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.*

**Мазкур ҳужжатлар қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.**

